VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

45 (477) ● 2017 йил 1 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

СПОРТНИ ЯНАДА ОММАЛАШТИРИШ, МАҲОРАТЛИ МУРАББИЙ ВА СПОРТЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 31 октябрь куни жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошқариш тизимини такомиллаштириш, оммавий спортни ривожлантириш, иқтидорли спортчиларни танлаш ва тарбиялаш, соҳани малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш ҳамда замонавий спорт иншоотларини барпо этиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси, тегишли вазирлик ва қўмиталар раҳбарлари иштирок этди.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Чунки спорт аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиради. Турли касалликлар, ёшлар ўртасида зарарли одатларнинг олдини олади. Спорт юксак маданият, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутади. Бу соҳада эришилган ютуқлар мамлакатни дунёга танитади, барча юртдошларга ғурур-ифтихор бағишлайди.

Мустақиллик йилларида бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Аҳолининг, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шароитлар яратилди. Шаҳар ва қишлоқларда замонавий спорт комплекслари бунёд этилди. "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақалари ёшларни оммавий спортга, соғлом турмуш тарзига ошно қилиш воситасига айланди.

Истеъдодли болаларни танлаш ва профессионал спортчиларни тайёрлаш бўйича узлуксиз тизим яратилди. Умумтаълим мактаблари ва болалар спорт мажмуаларидаги машғулотларда қобилияти кўзга ташланган ўғил-қизлар болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, спорт коллежларига олиниб, профессионал ёндашувлар асосида тарбияланмоқда. Олий ўқув юртлари ва ўқув-йиғин машғулотларида маҳоратини оширмоқда.

Бунинг натижасида мамлакатимиз спортчилари жаҳоннинг нуфузли мусобақаларида юксак ғалабаларни қўлга киритиб, халқимиз салоҳиятини бутун дунёга намоён қилмоқда. Хусусан, спортчиларимиз 2016 йили Бразилияда ўтган Олимпия ўйинларида 13 та, Паралимпия ўйинларида 31 та медалга сазовор бўлиб, юртимиз спорти тарихидаги энг юқори натижаларга эришди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 15 февралдаги "Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мамлакатимиз спорти ривожида янги даврни бошлаб берди. Фармонга биноан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ташкил қилинди. Аҳоли кенг қатламини спорт билан шуғулланишга жалб этиш, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантириш, шаҳар ва туманларда оммавий спорт тадбирлари ва мусобақалар ўтказиш, Миллий олимпия қўмитаси, спорт турлари бўйича федерациялар ва ассоциациялар билан биргаликда истеъдодли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва маҳоратини ошириш, кадрлар тайёрлаш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш ва халқаро алоқаларни кенгайтириш унинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тузилмасидаги Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижро аппарати, 300 га яқин спорт таълим муассасаси Давлат қўмитаси тасарруфига ўтказилди.

Жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш ишларининг самарадорлигини ошириш борасида жамоатчилик фикрини ўрганиш, таҳлил қилиш, соҳадаги ишларни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида Жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш кенгаши ташкил этилди.

Ҳудудий бошқарув органлари таркибида 201 та туман (шаҳар)да жисмоний тарбия ва спорт бўйича вакиллар фаолияти йўлга қўйилди. Бу жойларда соҳага оид давлат сиёсати, фармон ва қарорлар ижросини тўла таъминлаш, спортни қуйи поғоналардан ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Бундан ташқари, жорий йилда соҳага оид яна 20 дан ортиқ ҳужжат – Президентимизнинг фармойиш ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинди. Бу ҳам давлатимизнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришга эътиборидан далолат беради.

Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида соҳада сифат ўзгаришлари сезилди. Жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллий ва халқаро спорт мусобақаларида спортчиларимиз томонидан 483 та олтин, 394 та кумуш, 536 та бронза, жами 1 минг 413 та медаль қўлга киритилди.

Мамлакатимизда халқаро миқёсдаги мусобақалар муваффақиятли ўтказилди. Май ойида Тошкентда ўтган бокс бўйича Осиё чемпионатида спортчиларимиз ўн вазн тоифасидан тўққизтасида олтин медалга сазовор бўлди.

Йиғилишда спорт соҳаси учун малакали кадрлар ва мураббийлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича белгиланган вазифалар юзасидан муайян ишлар бажарилди.

Бу борада асосий билим маскани бўлган Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти Чирчиқ шаҳрига кўчирилди. Натижада институт малакали спортчи ва мураббийларни ўқитиш ҳамда тайёрлаш учун зарур инфратузилмага эга бўлди, замонавий спорт шаҳарчаси барпо этиш имконияти яратилди. Шунингдек, институтда 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб сиртқи таълим олиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ҳузурида Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази ташкил этилди. Марказда ҳозирги кунга қадар 800 дан ортиқ ходим малака оширди.

Йиғилишда институт фаолиятини янада такомиллаштириш, ўқув жараёнига янги инновацион технологияларни жорий қилиш, илмий изланишлар учун махсус лабораториялар ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди. Жисмоний тарбия институтини замонавий спорт таълим муассасасига айлантириш, ўқув дастурларини замонавий илм-фан ютуқлари асосида ташкил этиш бўйича 2018-2020 йилларга мўлжалланган дастур тузиш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 3 июндаги "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳадаги яна бир муҳим ҳужжат бўлди. Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш дастури қабул қилинди. Дастурда 2017-2021 йилларда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш учун 995,2 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиши, спорт мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 167 та спорт иншооти, жумладан, 90 та спорт мажмуаси ва 77 та сузиш ҳавзасини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ва қайта жиҳозлаш назарда тутилган.

Дастур доирасида жорий йилда 153 та болалар майдончаси таъмирланган, 232 та замонавий майдонча, Нукус шаҳрида спортнинг олимпия ва миллий турларига ихтисослаштирилган спорт мажмуаси фойдаланишга топширилган.

Йиғилишда бу борада йўл қўйилган камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 39 та спорт иншоотини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари жадвалдан ортда қолгани, сузиш ҳавзаларини замонавий анжомлар билан жиҳозлаш кечиктирилгани танқид қилинди. Бу камчиликларни бартараф этиш, йил охиригача қурилиш ишларини якунлаш бўйича топшириқлар берилди. Спорт мажмуаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ёшларни уларга янада кенг жалб этиш зарурлиги қайд этилди.

Спорт мактаблари, республика олий спорт маҳорати мактаблари ҳамда спорт федерацияларининг иқтидорли ёшларни кашф этиш борасидаги ҳамкорлиги, селекция ишлари талаб даражасида йўлга қўйилмагани танқид қилинди. Бу борада аниқ шаффоф механизм яратиш ва барча ҳудудларни қамраб олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мамлакатимиз спортчиларини нуфузли халқаро мусобақалар, жумладан, бўлғуси Олимпия ва Паралимпия ўйинларига пухта тайёрлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 мартдаги Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарори ижроси доирасида Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда спорт ташкилотлари ҳамкорлигида иқтидорли спортчиларни саралаш ва терма жамоаларни шакллантириш, спортчиларнинг маҳаллий ва хорижий ўқув-машғулот йиғинларини ташкил этиш, уларнинг нуфузли мусобақалардаги муносиб иштирокини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Йиғилишда халқаро мусобақаларда қўлга киритилаётган медаллар фақат бокс, дзюдо, оғир атлетика ва спорт курашлари билан чегараланиб қолаётгани танқид остига олинди. Гимнастика, трамполин, енгил атлетика, таэквондо, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, велоспорт каби бошқа салоҳиятли спорт турлари бўйича ҳам кўпроқ ютуқларга эришиш юзасидан аниқ чоралар белгилаб берилди. Халқаро спорт федерациялари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Президентимизнинг жорий йил 10 августдаги "Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларини жамоат ва спорт ишларига кенг жалб этиш ҳамда спортчиларни ва уларнинг тренерларини рағбатлантириш тўғрисида"ги қарорида спортимиз юлдузлари ва уларни камолга етказган тренерларнинг машаққатли меҳнатларини муносиб тақдирлаш, уларнинг тажрибаси ва салоҳиятидан самарали фойдаланиш, олий ва махсус маълумот олишлари ҳамда саломатликларини тиклашлари хусусида ғамхўрлик қилингани эътиборга лойиқ. Мазкур ҳужжат Ўзбекистонда спортчи ва мураббийларни моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этадиган спортчилар захирасини тайёрлашда муносиб ҳисса қўшишларига имконият яратади.

Йиғилишда Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси фаолиятининг қуйи бўғинлари ишини кучайтириш, аҳоли барча қатламларини спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, соҳада хусусий секторни ривожлантириш ва бошқа долзарб масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Тегишли қўмита ва мутасаддилар олдидаги вазифалар белгилаб берилди.

ЎзА

ЎзМТДП: устувор вазифалар

МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ТОПИШ

ЎзМТДП ҲАМДА ТОШКЕНТ ТУРИЗМ ВА БИЗНЕС КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ ҲАМКОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида туризмни мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёт стратегиясининг энг муҳим тармоқларидан бирига айлантириш вазифаси қўйилган. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки Ўзбекистон сайёҳлик қўлами ва тарихий қадамжоларининг сони бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Юртимизда етти мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжуд. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлган учрашувда юртимизда туризм соҳасини ривожлантириш масаласига ҳам эътибор қаратиб, мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг ижобий имижини шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг бу борадаги фаолиятига алоҳида тўхталди:

4-бет

Сайёр қабул

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ЭЪТИБОРИДА

Бугун ҳар бир раҳбар ва мутасаддидан одамлар дарду ташвиши билан яшашни, уларнинг муаммоларига ечим топишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Халқ билан доимий мулоқот қилиш, уларнинг мурожаат ва шикоятларини тинглаб, камчиликларни шу жойнинг ўзида бартараф этиш яхши самара бермоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотларида Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича мутахассислар фаолияти йўлга қўйилгани аҳолининг партияга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Бугун улар дуч келаётган муаммолари ечимида яқиндан кўмак сўраб партиянинг барча даражадаги ташкилотларига мурожаат этмоқда.

ЎзМТДП Самарқанд вилоят ҳамда туман ва шаҳар кенгашларига жисмоний ва юридик шахслардан 2017 йил 9 ойи мабойнида 270 мурожаат бўлди. Шундан 99 таси партия вилоят кенгаши фаоллари жойларда ўтказган сайёр қабуллар давомида тушган мурожаатлардир. Уларни соҳалар кесимида таҳлил қилсак, 47 таси бандлик, 15 таси коммунал соҳа, 24 таси уй-жой ва ер масаласи, 16 таси иш ҳақи, пенсия ва нафақа, 17 таси соғлиқни сақлаш, 27 таси банк-кредит ва 124 таси бошқа масалаларга тўғри келади.

Фуқаролардан тушган мурожаатларнинг 155 таси ижобий ҳал этилиб, 51 таси юзасидан тушунтиришлар берилди, 64 таси тегишли ташкилотларга кўриб чиқиш учун юборилди. Шунингдек, партия ташаббуси билан энг чекка ҳудудларда ҳам сайёр қабуллар ташкил этилиб, уларда банкдан кредит олиш, ичимлик суви, ободонлаштириш ва коммунал хўжалиги масалалари, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун бўш бино ажратиш, таълим тизими ва транспорт хизматига оид мурожаатлар ўрганилиб, улар юзасидан амалий кўмак берилмоқда.

4-бет

Матбуот анжумани

ФАОЛИЯТ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

ЎЗМТДП ФРАКЦИЯСИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

2017 йил 25 октябрь куни Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ташкил этди. Унда фракция раҳбари Сарвар Отамуратов ЎзМТДП фракциясининг чора-тадбирлар Дастури ижроси бўйича жорий йилнинг 9 ойи давомида амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот берди.

2-бет

Диккат, эълон!

МУШТАРИЙЛАРНИ ОЧИҚ МУЛОҚОТГА ЧОРЛАЙМИЗ!

Маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, миллий ўзликни англаш, юртдошларимизда миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғуларининг мустаҳкам қарор топиши масалаларига катта эътиборт қаратилмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасидаги маънавият, маданият соҳасида белгиланган мақсад-вазифалар ижросини таъминлаш, соҳани янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар йиғиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга кўмаклашиш мақсадида газетхонлар, соҳага қизиқувчи юртдошларимиз, чет эллик сайёҳлар ва кенг жамоатчилик вакилларини очиқ мулоқотга чорлаймиз.

Ҳурматли газетхонлар, соҳани янада ривожлантиришга қаратилган таклиф-мулоҳазалар, маданият ва санъат бўйича ўзингизни қизиқтираётган ва қийнаётган саволлар билан бизга мурожаат қилишингиз мумкин. Саволларингизга Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг масъул ходимлари, соҳа мутахассислари, ЎзМТДПдан вакиллик органларига сайланган депутатлар жавоб беради.

Мурожаат учун: (871) 234-87-73, 234-86-41
Электрон мурожаат учун: mtiklanish@mail.ru

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқинг!

газетамизга обуна бўлинг!

Нашр курсаткичи — 158

Матбуот анжумани

ФАОЛИЯТ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

ЎЗМТДП ФРАКЦИЯСИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

— 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 июлда парламент аъзолари ҳамда сиёсий партиялар вакиллари билан бўлган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида фаолиятимизга берилган баҳо, олдимизга қўйилган устувор вазифалар партиямиз ҳамда депутатлик бирлашмаларимиз зиммасига катта масъулият юклайди. Бу борада партия ҳамда фракциямизнинг чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилиб, унинг ижросини таъминлашда барча даражадаги партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳамда фракция аъзолари фаол иштирок этмоқда, қатор ташаббус ва аниқ ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, ЎзМТДП фракцияси ўзининг қонун ижодкорлиги фаолиятига алоҳида эътибор қаратди. Фракция йиғилишларида 88 қонун лойиҳаси биринчи ва кейинги ўқишларда муҳокама этилди. Мазкур қонун лойиҳалари бўйича фракция аъзолари томонидан партия дастурий мақсадлари асосида 400дан ортиқ таклифлар ишлаб чиқилди ва масъул қўмиталарга тақдим этилди. Уларнинг 321 таси қонунларда ўз аксини топди. 27 қонун лойиҳаси бевосита фракция аъзолари иштирокида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида тайёрланди. Фракциямиз аъзоларининг ташаббуси билан 2 та қонун лойиҳаси тайёрланди. Айни пайтда фракциямиз ташаббуси билан яна иккита — "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", "Ўзбек қураши кунини белгилаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасига киритиш арафасида турибмиз. Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоиз, Қонунчилик палатасида кўрилган 88 қонун лойиҳасидан 42 тасига фракциямиз аъзолари масъул бўлди. Бу эса фракциямиз аъзоларининг фаолияти тубдан такомиллаштирилаётгани, ташаббускорлиги ва амалий ишларининг миқёси ўсаётганидан далолатдир.

Президентимиз ташаббуси билан парламент аъзоларининг ҳар ой 10-12 кун жойларда бўлиб, ўрганишлар олиб боргани ҳудудлардаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишда муҳим омил бўлди. Матбуот анжуманида қайд этилганидек, ЎзМТДП фракцияси аъзолари мазкур жараёнда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига алоҳида эътибор қаратиб, уларга ечим топишга салмокли ҳисса қўшди. Фракция аъзоларининг ҳудудлардаги фаолияти давомида 79 давлат органи, 532 тадбиркорлик субъекти, 310 ижтимоий соҳа объекти, 202 маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда 4 минг 129 хонадон, жами 5 минг 252 объектдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат ўрганилди. Уйма-уй юрилиб, 57 мингга яқин аҳоли билан мулоқот ўтказилди. Ўрганиш ва мулоқотлар давомида аҳоли асосан, уй-жой, коммунал, аҳоли бандлиги, таълим, тиббий хизмат, савдо ва маиший хизмат, банк кредити, пенсия, нафақа таъминоти юзасидан шикоят, таклиф ва мулоҳазаларини билдирди. Мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими бўйича тегишли ташкилотларга 72 депутатлик сўрови юборилиб, 53 масала ижобий ҳал этилган, 8 таси масъул вазирлик ва идораларда ўрганилмоқда. Қолган 11 таси ҳудудларнинг 2018 йилги дастурларига киритилиши билан боғлиқ бўлиб, бу бўйича мутасадди ташкилотларга таклифлар киритилди. Бундан ташқари, ҳисобот даврида парламент ва партия сайтига, фракция аъзоларига фуқаролар ва юридик шахслардан бир минг 138 ёзма мурожаат келиб тушди. Ҳар бир мурожаат тегишлилиги бўйича вазирлик ва ташкилотларга юборилиб, уларнинг 89 фоизи ижобий ҳал этилди, қолганлари назоратга олинди.

Матбуот анжуманида фракциянинг назорат-таҳлил фаолияти борасида ҳам тўхталиб ўтилди.

— Ҳисобот даврида фракциямиз Давлат дастурлари ижроси, вазирлик ва мутасаддилар ҳисоботлари юзасидан 4 маротаба йиғилиш ўтказди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йил ва 2017 йилнинг I чораги ҳамда ярим йилликдаги ижроси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳисоботлари эшитилди ҳамда фракция позицияси билдирилди. Хусусан, партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, 2017 йил ва 2018 йилда Давлат бюджети лойиҳасига маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш учун ажратилаётган маблағларни кўпайтириш юзасидан таклиф билдирилди.

Бундан ташқари, фракциямиз аъзолари аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, дори воситалари таъминотини янада яхшилаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни амалиётга самарали татбиқ этишга кўмаклашиш мақсадида соҳада парламент ва депутатлик назоратини самарали амалга оширишга эътибор қаратди. Марказ ва ҳудудлардаги тиббиёт масканлари ўрганилиб, айрим соғлиқни сақлаш муассасаларида дори воситалари ва тиббий буюмлар етишмаслиги, малакали кадрлар билан таъминланмаганлиги, биноларнинг талабга жавоб бермаслиги каби муаммо ва камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими бўйича маълумот тайёрланиб, Соғлиқни сақлаш вазирига тақдим этилди ва ижроси назоратга олинди.

Қонунчилик палатасида кўрилган 88 қонун лойиҳаси бўйича фракция аъзолари томонидан партия дастурий мақсадлари асосида 400 дан ортиқ таклиф ишлаб чиқилди.

Шунингдек, матбуот анжуманида фракция аъзоларининг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари хусусида ҳам ахборот берилди. Таъкидланганидек, ҳисобот даврида оммавий ахборот воситаларида фракция фаолиятига оид уч ярим мингга яқин материал эълон қилинди. Уларда фракция аъзоларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, Қонунчилик палатасида қабул қилинган қонунлар ва муҳокамадаги қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти борасидаги муносабати, аҳоли билан учрашувлари, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни ўрганиш натижалари ҳамда партия ғоя ва мақсадлари, электорат манфаатлари ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги фаолияти ўз ифодасини топган.

27 қонун лойиҳаси бевосита фракция аъзолари иштирокида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар доирасида тайёрланди

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакиллари фракция фаолияти юзасидан ўзларини қизиқтирган қуйидаги саволлар билан мурожаат қилди.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, туризмни ривожлантиришга кўмаклашишни ўзининг устувор вазифаларидан бири, деб билади. Айтинг-чи, бу борада қандай саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда?

— Ўринли савол. Маданий мерос ва туризм масалалари партиямиз ва фракциямизнинг доимий эътиборидаги соҳалардан. Шундан келиб чиқиб, яқинда Маданият вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолияти устидан самарали парламент ва депутатлик назоратини ўрнатди. Мазкур соҳаларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш мақсадида "Маданият тўғрисида"ги янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, "Туризм тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини тайёрлаш бўйича фракциямиз ўз таклифларини берди.

Бундан ташқари, партия ташкилотларимиз ҳамда депутатлик бирлашмаларимиз ҳамкорликда жойлардаги маданий мерос объектларининг сақланиш ҳолатини ўрганиб, тегишли маҳаллий Кенгашлар сессияларига ташаббус-масалалар киритди. Масалан, халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашидаги партия гуруҳининг ташаббуси билан вилоят Кенгаши сессияси муҳокамасига "Наманган вилоятидаги моддий маданий мерос объектларининг сақланиши ва улардан фойдаланиши борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги масала олиб чиқилиб, қарор қабул қилинишига эришилган эди. Унда белгиланган вазифалар қаторида Тўрақўрғон туманидаги "Ахсикент" шаҳристони атрофини ободонлаштириш, бу ерда очиқ осмон остидаги музей ташкил этиш масаласи ҳам ўз ифодасини топган. Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг "Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида "Ахсикент" археология объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилингани ЎзМТДП гуруҳи ғалаби сурган ташаббуснинг мантиқий давоми бўлди. Партия гуруҳларимиз кўтараётган масалалар ҳукумат даражасидаги амалий ишларга кенг йўл очаётгани эътиборга молик.

— ЎзМТДП фракциясининг партия ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлиги қай даражада йўлга қўйилган?

— Фракциямизнинг ижрочи котиби лавозими жорий этилгани партия ташкилотлари ва гуруҳлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир. Бугунги кунда фракциямиз қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти давомида, шунингдек, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш масалаларида ҳудудий партия ташкилотларимиз ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз билан биргаликда иш олиб боришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Масалан, яқинда "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси партия фаоллари ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар муҳокамасига тақдим этилган эди. Бу борада улар томонидан юзга яқин таклиф берилди. Фракциямиз аъзолари эса таклифларни ўрганиб, мақбулларини қонун лойиҳасига киритиш борасида иш олиб бормоқда. Бу ишлаб чиқилаётган қонунларнинг ҳаётийлиги ва халқчиллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, фракция аъзолари партиямизнинг "Уйма-уй" лойиҳаси асосида жойлардаги ташкилотларимиз ва депутатларимиз билан биргаликда аҳоли билан мулоқот қилиб, уларнинг муаммоларини ўрганмоқда. Уларни ҳал этиш юзасидан зарур бўлганда тегишли ташкилот ва идораларга депутатлик ва парламент сўровларини юбормоқда.

— ЎзМТДП фракцияси ташаббуси билан энергетик ичимликларни чеклаш бўйича янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилаётганидан хабаримиз бор. Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

— Бугунги кунда турли номдаги қувват улашувчи ичимликларни истеъмол қилиш, айниқса, ёшлар орасида кенг урфга кирмоқда. Унинг фойдасидан зарари кўп эканлиги эса барчамизга кундай аён. Шу мақсадда фракциямиз ЎзМТДП сайловолди Платформасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиқиб, бир қатор амалдаги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини тайёрлади. Унга кўра, биринчидан, энергетик ичимликларни 18 ёшгача бўлган болаларга сотишни чеклаш, иккинчидан, уларнинг рекламасини камайтириш, телерадиоканалларда соат 23:00 дан кейин реклама қилиш, учинчидан, таълим муассасалари ён-атрофида уларнинг реклама-баннерлари ўрнатилишига мутлақо йўл қўймаслик, тўртинчидан, белгиланган қоидалар бузилган ҳолатда муайян жарималарни белгилаш каби меъёрлар кўзда тутилмоқда. Шу мақсадда амалдаги "Реклама тўғрисида"ги, "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги, "Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунларга юқоридаги тартиб-қоидаларни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутиляпти.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Фракция позицияси

САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ БИЗНЕС ВА ДАВЛАТ ЎРТАСИДА ВОСИТАЧИ БЎЛИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакатимиз равнақига хизмат қиладиган, бугунги кунда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўладиган қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Қўйи палата мажлисига қадар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида ҳам мазкур қонун лойиҳалари кўриб чиқилиб, фракциянинг позицияси билдирилди.

Фракция аъзоларининг бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Назир СОБИРОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда бизнес соҳаси вакиллари ва давлат органлари ўртасида самарали мулоқот ва фойдали ҳамкорлик механизмларини йўлга қўйиш, хусусий мулк ва тадбиркорликнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш кафолатларини кучайтириш, вилоятлар ва туманларда бизнес-муҳитни такомиллаштириш масалалари бўйича, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига, аввало, вилоятлар, шаҳар ва туманларда сифатли давлат хизматлари тақдим этилишини таъминлаш давлат органлари ва тадбиркорлик тузилмаларининг ўзаро ҳамкорлигини, айниқса, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини энди бошлаган даврларда уларни қўллаб-қувватлашнинг янги самарали тизимини яратишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу муаммолар ечими Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу боис ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ва Президентимизнинг 2017 йил 19 июндаги "Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида белгиланган вазифаларни ижро этиш мақсадида "Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳасида давлат иқтисодий сиёсатини амалга оширишда Савдо-саноат палатасининг тутган ўрни ва аҳамиятини, мақомини оширишга устувор эътибор қаратилган. Хусусан, унда Савдо-саноат палатаси зиммасига қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига бўлган таъсирини ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш юзасидан жамоатчилик мониторингини ўтказиш вазифаси юклатилмоқда. Савдо-саноат палатасига бундай ваколатларнинг берилиши давлатимизнинг хусусий секторга кўпроқ эркинлик бериш, тадбиркорлик субъектлари учун тенг шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, улар ўртасида соғлом рақобатни ривожлантириш йўлидаги аниқ амалий тадбирларнинг ёрқин далилидир.

Қонун лойиҳасига кўра, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фаолиятига кўмаклашиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш, давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, тадбиркорлик субъектларини ўқитиш ва кадрлар тайёрлаш, ташқи иқтисодий фаолият ва инвестицияларни жалб қилиш Савдо-саноат палатасининг вазифалари сифатида белгиланмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасида кўзда тутилаётган тартиб-қоидалар ЎзМТДП сайловолди Платформасида кучли миллий иқтисодиётни шакллантиришга кўмаклашиш борасида белгиланган мақсад-вазифалар ижросига хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан фракциямиз аъзолари мазкур қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаб, уни янада такомиллаштиришда фаол иштирок этади.

Алишер ҲАМРОЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришда ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлиги, жисмоний ва юридик шахсларга ахборот тақдим этишнинг замонавий шаклларини татбиқ этиш, жамият ҳамда бизнес билан ҳамкорлик чоғида ортиқча маъмурий харажатларга барҳам бериш муҳим аҳамиятга эга. Давлат органларида маъмурий амалиётни тушунишда ҳам, унинг тартибини белгилаш масаласида ҳам турли хил ёндашув мавжуд. Ушбу ҳолатлар маъмурий тартиб-таомилларнинг тегишли тарзда тартибга солинмаганлигини ҳамда ушбу соҳада ягона, махсус қонун қабул қилиш зарурлигини кўрсатади. Шу мақсадда ишлаб чиқилган "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси фракциямиз аъзолари томонидан қизғин муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳасида маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш борасида умумий меъёрлар акс эттирилган. Унда соҳанинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан муддатларни, ҳужжатларга қўйиладиган талабларни белгилаш, шартларни ўрнатиш таклиф қилинмоқда. Умумий тартиб барча махсус тартиб-таомиллар учун зарурий ҳуқуқий чегараларни белгилаб беради. Лойиҳанинг бундай хусусияти ҳар қандай соҳада махсус тартибларни алоҳида қонун шаклида ишлаб чиқишга имкон яратади. Ягона стандартларнинг жорий этилиши туфайли давлат хизматидаги ўзбошимчалик, суистеъмол қилиш, коррупция ва бошқа салбий ҳолатлар бартараф этилади.

Лойиҳа билан маъмурий жараённинг шаффофлигини таъминлаш, бунда кўрилаётган масалани ҳал этишда барча манфаатдор тарафларнинг лозим даражадаги иштироки учун шарт-шароитлар яратиш назарда тутилмоқда. Бунда ишни ҳал қилишда барча манфаатдор тарафларнинг фикрини инобатга олиш таъминланади.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш тартибини белгиловчи меъёрларни тизимлаштириш ва бирхиллаштириш, ушбу соҳада ягона стандартларни ишлаб чиқиш, амалдаги қонун ҳужжатларидаги камчиликлар ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш, давлат органларининг фуқаролар билан ҳуқуқий муносабатларини аниқ тартибга солиш назарда тутилмоқда.

"Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат бошқаруви тизимини ислоҳ этишнинг, шунингдек, давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини самарали ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги босқичга чиқишига хизмат қилади.

Муҳтарама РАМАЗОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ташаббус натижа берди

ТИЛ — МИЛЛАТНИНГ ҚИЁФАСИ

СЕССИЯ ҚАРОРИ АСОСИДА ТАШҚИ РЕКЛАМА ЁЗУВЛАРИДАГИ ХАТОЛИКЛАР ТУЗАТИЛДИ

Она тили — миллат руҳининг юксак ифодаси, миллат тафаккурининг бетакрор намунаси. Чунки тил халқнинг, миллатнинг тарихи, маданий мероси, турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналарини ўзида мужассамлаштиради, аждодлардан авлодларга ўтишини таъминлайди.

1989 йил 21 октябрь куни Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Бу ота-боболаримиз орзиқиб кутган ҳурлик учун қўйилган илк қадам эди. Ўтган даврда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги аҳамиятини ошириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Бугун она тилимиз сиёсат, саноат, дипломатия, ҳарбий иш, халқаро ҳуқуқ, замонавий илм-фан, ахборот ва коммуникация технологиялари, спорт соҳаларида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Шу билан бирга, бугунги глобаллашув шароитида ўзбек тилининг софлигини сақлаш ҳамон долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўзбек тилини асраб-авайлаш ва янада ривожлантириш, жамиятимизда тил маданиятини ошириш, адабий тил қоидаларига риоя этилишига яқиндан кўмаклашиш борасида устувор дастурий вазифаларни изчил бажариб келмоқда. Партия фаоллари ва депутатлар, айниқса, адабий тилдан тўғри фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда, бу борада тизимли ишлар олиб борилаётир. Партиянинг ҳудудий ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари жойларда ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига амал қилиниши ҳолатини ўрганиш, йўл қўйилаётган камчиликларнинг

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўзбек тилини асраб-авайлаш ва янада ривожлантириш, жамиятимизда тил маданиятини ошириш, адабий тил қоидаларига риоя этилишига яқиндан кўмаклашишни ўзининг устувор вазифаларидан деб билади

сала юзасидан сессия қарори қабул қилинди. Унга кўра, номлари келтирилган иккита умумий овқатланиш объекти, тўртта гўзаллик салони, шунингдек, тикувчилик устахонаси, автомобилларга эҳтиёт қисмлар сотувчи дўкон ва бошқа объектларнинг реклама баннер ва пешлавҳаларини олиб ташлаш, "Давлат тили ҳақида"ги ва "Реклама тўғрисида"ги қонунларга мос равишда янгиларини ўрнатиш вазифаси белгиланди. Халқ депутатлари туман Кенгашининг барча депутатларига ўз сайлов участкаларида "Давлат тили ҳақида"ги ва "Реклама тўғрисида"ги қонунларга хилоф равишда ўрнатилган ёзувларга барҳам бериш ва адабий тил меъёр ва қоидаларига мос равишда ўрнатилишини назорат қилиш вазифаси юклатилди.

Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган сурат

олдини олишда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда. 2016 йилда 40 дан ортиқ халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессияларида "Давлат тили ҳақида"ги ва "Реклама тўғрисида"ги қонунларнинг ҳудудлардаги ижроси муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бу халқимизнинг маънавий бойлиги бўлган она тилимизнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини янада юксалтириш, унинг софлигини сақлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Халқ депутатлари Бекобод туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари ҳам партия дастурий вазифалари ижросини таъминлаш мақсадида туман ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги ва "Реклама тўғрисида"ги қонунларида белгиланган талабларнинг ижросини ўрганди. Бунинг учун дастлаб тегишли вакиллар ва мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, туман ҳудудида адабий тил меъёр ва қоидаларига амал қилиниш ҳолати ўрганилди, мавжуд муаммолар билан яқиндан танишилди.

— Оммавий жамоат жойлари, кўча ва бекатлардаги

2016 йилда 40 дан ортиқ халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессияларида "Давлат тили ҳақида"ги, "Реклама тўғрисида"ги қонунларнинг ҳудудлардаги ижроси муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди

айрим эълон, ёзув ҳамда жой номларида имловий-орфографик хатоликларга йўл қўйилаётгани ачинарли ҳол, — дейди халқ депутатлари Бекобод туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Муҳаббат Нурматова. — Бу борадаги ўрганишларимиз натижасида маълум бўлдики, туман кўчаларидаги, жамоат жойларидаги ташқи реклама ва эълонларда ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига амал қилинишида қатор муаммолар бор, айрим сўзлар хорижий тилларда аралаш ҳолатда қўлланилган. Масалан, туманимиз маркази — Зафар шаҳарчасининг асосий кўчаси бўлган Мустақиллик кўчасидаги савдо ва хизмат кўрсатиш ҳамда умумий овқатланиш шохобчалари реклама баннерларида "Комила" сўзи "Камила", "лағмон" сўзи "лагмон", "дераза" сўзи "дереза", "шўрва" сўзи "шурпа" шаклида ёзилган. Шунингдек, кўчалардаги ташқи ёзувларда "истимолчилар", "баҳт", "совдогар", "профисонал" тарзида хато ёзилган сўзлардан кўз юмиб бўлмайди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Кўчалардаги эълонлар, умуман, ташқи ёзувларда "Давлат тили ҳақида"ги қонун талабларидан четга чиқиш, сўзларни хато ёзиш, хорижий тиллардаги ёки имловий хато билан битилган пешлавҳалар бу борадаги ишлар қамровини янада кенгайтириш зарурлигини кўрсатади. Шу боис партия гуруҳимиз ўрганиш натижаларини жамлаб, "Бекобод тумани ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги, оммавий жамоат жойларида "Реклама тўғрисида"ги қонунларнинг ижроси тўғрисида"ги масалани халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси муҳокамасига киритди.

Сессияда партия гуруҳи раҳбари ўрганиш натижалари юзасидан ахборот берди. Депутатлар ва туман фаоллари мазкур масалани кенг муҳокама қилдилар. Ҳаётий таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди. Кун тартибидаги ма-

Шунингдек, тумандаги корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида соҳа мутахассислари иштирокида ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига амал қилиниши юзасидан мунтазам тадбир ва давра суҳбатлари ташкил этиш борасида келишиб олинди.

Бугунги кунда гарчи орадан кўп вақт ўтмаган бўлса-да туманда сессия қарорида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. Корхона, ташкилот ва муассасалар пешлавҳалари, реклама банерларидаги хатоликлар тузатилиб, ўзгартирилди. Жумладан, "Ўзбекистон ширкатлар уюшмаси", "Далварзин ф/у" , "Далварзин ф/у 3-бўлим", "Авангард ф/у", "Навоий ф/у" деб ёзилган жой номларини англатувчи ёзувлар олиб ташланди. Сабаби ҳозирги кунда барча ҳудудлар маҳалла номлари билан аталади. Юқорида кўрсатилган ёзувлар ўрнига маҳалла номлари ёзилган пешлавҳалар ўрнатилди. Шунингдек, тумандаги барча корхона, ташкилот ва муассасалар пешлавҳалари "Давлат тили ҳақида"ги қонунга мувофиқ равишда лотин алифбосида ёзилди.

"Реклама тўғрисида"ги қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, ташқи рекламани жойлаштириш тартибини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари белгилайди. Туман ҳокимликларида реклама-ахборот фаолияти бўйича махсус комиссия ташкил этилган. Партия гуруҳи аъзолари ва фаоллар туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги ва "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонунлари ижросини таъминлаш масалалари бўйича туман комиссияси билан биргаликда ҳудуддаги кўчалар, майдонлар, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида, оромгоҳлар, савдо масканларида, умумий овқатланиш ҳамда хизмат кўрсатиш жойларида ўрнатилган ёзувлар, лавҳалар, эълонлар ва реклама маҳсулотларини қонунлар талабларига мос бўлишини таъминлашга қўмаклашаётир.

Бир сўз билан айтганда, мазкур масаланинг сессия йиғи-

Бекобод туманида сессия қарорида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан қатор ишлар амалга оширилиб, ташқи реклама ёзувлари адабий тил қоидалари асосида қайта ўрнатилди

лишида муҳокама этилиши ва қабул қилинган қарор ижроси натижасида жой номлари, кўча ва маҳаллалар ҳудуднинг тарихи, унинг ўзига хослиги, миллий анъана ва қадриятларимизга мос тарзда номлангани эътиборга молик. Шунингдек, адабий тил меъёр ва қоидаларига зид равишда қўлланилган ёзувлар тузатилгани ўзбек тилининг софлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳар бир халқнинг маънавияти, ўзлиги, орзу-интилишлари унинг тилида яққол намоён бўлади. Уни асраб-авайлаш, бойитиш, софлигини сақлаш миллат руҳи ва маънавиятини асраш билан баробар.

Аҳлиддин ЖУМАЕВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши
Ижроия қўмитаси девони
етакчи мутахассиси

Депутат минбари

Ахборот-коммуникация технологияларининг ҳаётимиз, турмуш тарзимизга кенг тадбиқ этилаётгани, энг аввало, одамларга ҳар томонлама қулайлик яратмоқда. Тақдим этилаётган турли электрон хизматлар ҳам вақтни, ҳам харажатларни тежаш имконини бермоқда. Электрон тизимнинг жорий этилиши, айниқса, очиқлик ва шаффофликни таъминлашда муҳим ўрин тутади. Аукцион савдоларни ҳам электрон шаклда онлайн ўтказиш —бугунги кунинг долзарб вазифасига айланмоқда.

ИЖРО ИШИНИ ЮРИТИШ ТАКОМИЛЛАШАДИ

ХАТЛАНГАН МОЛ-МУЛКЛАР ЯНГИ ТАРТИБ — ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАР ВОСИТАСИДА СОТИЛАДИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ана шундай мақсадга қаратилган. Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг "Гаров тўғрисида"ги, "Ипотека тўғрисида"ги ва "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Хусусан, киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга асосан хатланган мол-мулкни сотиш бўйича аукцион савдоларни электрон онлайн-аукционлар шаклида ўтказиш таклиф этилаётир. Бундай янги тартиб фуқаролар учун электрон онлайн-аукционларда кенг иштирок этиш ҳамда кўчмас мол-мулк, автотранспорт воситалари ва бошқа мол-мулкни қулай тарзда сотиб олиш имконини таъминлайди.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида дастлабки электрон онлайн-аукционларни нархни ошириб бориш тамойили асосида ўтказиш, унда лот нархи бўйича охирги тасдиқлаган иштирокчи ғолиб, деб топилиши таклиф этилмоқда. Шу билан бирга, дастлабки аукционлар мол-мулкка қизиқиш ёхуд харидор бўлмаганлиги сабабли ўтказилмаган тақдирда, нархни тушириб бориш тамойили асосида такрорий аукционлар ўтказиш, бундай аукционларда эълон қилинган лот нархини биринчи бўлиб тасдиқлаган иштирокчи ғолиб, деб топилиши кўзда тутилаётир. Бу электрон онлайн-аукционларда ғолибларни аниқлаш автоматик тарзда амалга оширилишига имкон беради, ташқаридан бўладиган аралашувларнинг олдини олади.

Агар илгари суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда анъанавий аукционларни ташкил этиш билан риэлторлик ташкилотлари (кўчмас мулк бўйича) ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар шуғулланган бўлса, қонун лойиҳасида ушбу вазифани ваколатли операторга юклатиш таклиф этилмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 27 июлдаги "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси қошида "Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш бўйича марказ" давлат унитар корхонаси ташкил этилди. У "E-Ijro Auksion" ягона электрон савдо майдончасида электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказишга ваколатли оператор этиб белгиланган.

Дарҳақиқат, шу кунгача мавжуд бўлган ижро ишини юритишда коррупция хавф-хатарларини ўз ичига олган, қонунларнинг бузилиши ва фуқароларнинг асосли норозилигига сабаб бўлиб келган айрим механизмлар, суд қарорларини ижро этиш доирасида ташкил этилган оммавий савдолар замонавий талабларга жавоб бермай қолди. Шунингдек, бу хатланган мол-мулкнинг олди-сотди бозорини монополиялаштиришга, нарх бўйича манипуляцияларга ва бошқа коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга замин яратган. Оммавий савдоларни ташкил этишнинг анъанавий усуллари баъзи савдо ташкилотчилари томонидан салоҳиятли харидорларнинг аукционда иштирок этишини чеклаш, мол-мулкни паст нархларда сотиш учун сохта аукционларни ўтказиш ва бошқа суистеъмолликларга йўл очиб беради.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги мазкур камчиликлар сотувга чиқарилган мол-мулкнинг бир неча маротаба арзонлаштирилишига, мол-мулкни сотиш жараёнларининг чўзилиб кетишига олиб келган. Бунинг оқибатида суд қарорлари ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилмаган. Мазкур қонун лойиҳасида назарда тутилаётган тартиблар суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бозорини монополиядан чиқаришга ва унинг шаффофлигини таъминлашга, ушбу соҳада нарх билан боғлиқ манипуляциялар ва бошқа коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган. Шунингдек, уй-жой ва нотурар кўчмас мулкларни, автотранспорт воситалари ва бошқа турдаги мол-мулкни очиқ ва адолатли оммавий савдолар — электрон онлайн-аукционларда сотиб олиш жараёнларига фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этишга хизмат қилади.

Шу кунларда мазкур қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партия фракциялари, Экоҳаракат депутатлик гуруҳи ва қўмиталарда муҳокама қилиняпти, билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида янада такомиллаштирилаётир. Жумладан, мазкур жараёнда ЎзМТДП фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этиб, қонун лойиҳаси муҳокамасига партия дастурий мақсад-вазифалари ҳамда электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёндашмоқда, ўз таклифлари ҳамда фикр-мулоҳазаларини билдираётир.

Элдор ТУЛЯКОВ,
ЎзМТДП фракция
аъзоси

Жараён

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ САЙЛОВОЛДИ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Шу йил 24 декабрь куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар туман Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Айни кунларда сайловни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Тошкент шаҳридаги бошланғич ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

Ана шундай йиғилиш ЎзМТДП Миробод туман кенгашига қарашли Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти бошланғич партия ташкилотида бўлиб ўтди. Йиғилишда Президентимиз томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни ва масъулиятини ошириш, айниқса, партияларнинг шаҳар ва туман кенгашлари фаолиятини юксак босқичга кўтариш, қонун қабул қилишда халқ билан мулоқот қилиш тизимини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Мазкур қуйи бўғиннинг 2017 йилнинг 9 ойи давомидаги фаолияти танқидий таҳлил қилиниб, жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик ишлари бўйича маълумот берилди.

— Сайловга тайёргарлик кўриш жараёнида туман, шаҳар партия ташкилотлари ва қуйи бўғинлар фаолларидан катта масъулият ва фидойилик талаб этилади, — дейди Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти қошида ташкил этилган қуйи бўғин раиси Зиёвуддин Илҳомов. — Сайловчилар партиямиз дастурий мақсадларидан қанча кенг хабардор бўлса, бизга шунча кўпроқ ишонч билдирилади. Партиядошларимизни бу муҳим сиёсий жараёнга уюшқоқлик билан сафарбар этиш ҳар бир қуйи бўғин олдида турган долзарб вазифадир.

Умумий йиғилишда таъкидланганидек, сайловда илк бор иштирок этаётган ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, уларга бу муҳим тадбирнинг мазмун-моҳиятини батафсил тушунтириш, фуқаролик позициясини чуқур сингдирган ҳолда эл-юрт тақдирига дахлдорлик руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мамлакатимизда ёшларнинг замонавий талаблар асосида билим олиши, истеъдоди ва салоҳиятини кўрсатиши ҳамда ижтимоий-сиёсий жараёнда фаол қатнашиши учун барча шарт-шароит яратилган. Сайловга тайёргарлик кўриш тадбирларига ёшларни кенг жалб этиш, тарғибот гуруҳларидаги партия фаолларини, партия томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, кузатувчи ҳамда ваколатли вакилларининг малакасини ошириш юзасидан семинар тренинглар ташкил этиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Умумий йиғилиш якунида ЎзМТДП Миробод туман кенгашининг Конференциясига делегатлар сайланди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
45 (477) 2017 йил 1 ноябрь, чоршанба

ЎзМТДП: устувор вазифалар

МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ТОПИШ

ЎзМТДП ҲАМДА ТОШКЕНТ ТУРИЗМ ВА БИЗНЕС КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ ҲАМКОРЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Президентимиз туризм соҳасида энг катта муаммо — замонавий фикрлайдиган, ўз ишини, хорижий тилларни пухта биладиган малакали кадрлар етишмаслигини таъкидлаб, бу долзарб муаммони ҳал қилишда ЎзМТДП вакиллари олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежларида туризм бўйича мутахассислар тайёрлаш жараёни, ўқув дастурларини ўрганиш вазифасини белгилаган эди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, ҳудудий партия ташкилотлари бу танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда айни кунларда олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежларида бўлиб, у ерда туризм бўйича мутахассислар тайёрлаш жараёнини ўрганмоқда, таклиф ва тафсиялар ишлаб чиқилаётир.

ЎзМТДП Марказий кенгаши ва фракцияси аъзолари яқинда соҳа мутахассисларини жалб қилган ҳолда Тошкент туризм ва бизнес касб-ҳунар коллежида бўлиб, туризм соҳаси кадрларини тайёрлаш борасидаги ўқув-услубий ишлар сифатини ўрганди.

Ўрганишлар доирасида ўтказилган очиқ мулоқотда коллеж ўқитувчилари ва ўқувчиларга ЎзМТДПнинг дастурий мақсад-вазифалари, сайловолди Платформасида туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган вазифалар ҳақида

маълумот берилди. Партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова бу ҳақда шундай деди:

— Дунё иқтисодиётида истиқболли соҳа сифатида тез олинган туризмнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши 10 фоиздан кўпроқни ташкил этиб, бу йўналишда жаҳондаги меҳнатга қобилиятли аҳолининг 8 фоизга яқини иш билан банд, туризм хизматлари жаҳон экспортининг 7 фоиздан кўпроғини ташкил этади. Партиямиз ҳам ушбу истиқболли соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшишни ўз дастурий вазифалари сирасига киритган. Туризм иқтисодиётнинг янада ривожланиш жараёнини тезлаштирувчи омил сифатида иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимида муҳим ўрин тутади, қўшимча иш ўринлари яратилишига, иқтисодий фаол аҳолининг бандлигини оширишга, миллат фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. Иқтисодий фаолиятнинг ўзаро боғлиқ бўлган қатор тармоқлари, инфратузилманинг ривожланишига туртки бўлиб, янада оммавийлашади. Туризм айни пайтда маърифий ва фуқаролик жамиятининг маънавий асосларини шакллантиришда кучли восита ҳамдир.

Партиямиз айни пайтда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган аниқ, мақсадли ташаббус ва ғояларни илгари суришга бел боғлаган. Амалий ишларимизни Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан мамлакатимизда туризмни ривожлантириш ҳамда сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида ижро этилиши устидан парламент ва депутатлик назоратини амалга ошириш, жойларда соҳани такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган ишларни ўрганиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдан бошладик. Бугунги ўрганишлар ҳам мана шу амалий ишларнинг мантиқий давомидир.

Таъкидлаш жоиз, коллеж маъмуриятининг партия вакилларига тақдим этган маълумотига кўра, ушбу ўқув муассасасида "Меҳмонхона ва ресторанларда хизмат кўрсатишни ташкил этиш", "Туристик хизматлар ташкилотчиси", "Сартарошлик санъати ва декоратив косметика", "Ошпазлик" йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Айни пайтда бу ерда 486 нафар йигит-қиз билим олмоқда. Синф хоналари замонавий техника воситалари, мультимедиа тизимлари, компьютерлар билан жиҳозланган.

— Жорий йилда коллежимизда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Туркия давлатининг "TIKA" фирмаси ҳамкорлигида замонавий ўқув-амалиёт мажмуаси қурилиши бошланди, — дейди коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Гулсанам Собирова. — Ушбу мажмуа ҳозир ўқувчилар ихтиёрида. Унда "Сартарошлик санъати ва декоратив косметика" йўналишида таҳсил олаётган ўқувчилар учун аёллар ва эркакларга мўлжалланган 2 гўзаллик салони, "Меҳмонхона ва ресторанларда хизмат кўрсатишни ташкил этиш" йўналиши ўқувчилари учун махсус замонавий ўқув хоналари мавжуд. Ушбу ўқув-амалиёт мажмуаси ўқувчиларнинг касб маҳоратларини пухта ўзлаштириши, соҳага етук мутахассис бўлиб кириб келишларида муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчиларимиз туризм бўйича ўтказиладиган халқаро ярмаркалар, ошпазлик танловларининг фаол иштирокчиси. Ишлаб чиқариш амалиётлари пойтахтимиздаги меҳмонхона ва ресторанлар билан ҳамкорликда ташкил этилади.

Аниқланишича, мазкур касб-ҳунар коллежида умумкасбий ва махсус фанлар бўйича ўқув адабиётлар билан таъминланиш даражаси атиги 42 фоизни ташкил этади. Махсус фанлардан йиллик дарслар йўналишларга қараб 60, 120 ва 180 соатдан ўтилмоқда. Ўқувчиларнинг махсус фанларни пухта ўзлаштириши учун дарс соатлари етарли даражада.

Коллеждаги ҳақиқий аҳвол, ўқув-амалиёт учун яратилган шароитлар бизга тақдим этилган маълумотлар билан мувофиқ келадими? Бу ҳақда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Умрзоқов шундай дейди:

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси туризм мамлакат номи, унинг тарихи, маданияти ва урф-одатларини дунёга танитишда

асосий ўрин тутади, деб ҳисоблайди. Шу боис соҳа ривожига кўмаклашишни асосий вазифалардан бири сифатида белгилаган. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: туризмни ривожлантириш борасида мавжуд имкониятлардан ЎзМТДП тўлиқ фойдаланяптими? Мавжуд муаммоларга қандай ечим топиш мумкин? Бу саволларга жавоб топишни туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини ўрганишдан бошладик. Касб-ҳунар коллежида ўқув-амалиёт учун жуда кенг имкониятлар яратилган. Шу боис ўқитувчи-педагог, ишлаб чиқариш таълими вакилларининг туризм ривожланган хорижий давлатлар мутахассислари билан тажриба алмашишини таъминлаш, чет эл туристик фирмаларининг етакчи мутахассисларини таклиф қилиб, "Маҳорат дарслари"ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, коллежни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш лозим. Коллежда таълим 4 йўналишда олиб борилади. Аммо ўқувчилар учун фақат битта йўналишда — меҳмонхона хизмати бўйича амалиёт ўташга лаборатория мавжуд, холос. Қолган уч йўналиш бўйича ўқувчилар амалиёт ўтай олмаяпти. Чунки бунинг учун коллежда шароит йўқ. Ўқувчилар билан бўлган суҳбатимизда улар кўпроқ амалиёт ўташ истагида эканликларини билдирди.

Коллежнинг ўқув дарсликлари билан танишар эканмиз, таълим муассасасида туризм соҳаси бўйича замонавий дарсликларга эҳтиёж борлиги маълум бўлди. Шу билан бирга, хорижий тиллар ва гуманитар фанларнинг бошқа йўналишдаги касб-ҳунар коллежлари билан бир хил стандартда ўтилаётгани ҳам унчалик тўғри эмас, деб ҳисоблаймиз. Чунки сайёҳларга хизмат кўрсатишда Ўзбекистон тарихининг ўзига хос, беқиёс қирраларини очиб бериш, тарихимиз билан боғлиқ энг қизиқарли ва жозибадор маълумотлардан бохабар бўлиш жуда муҳим. Шундан келиб чиқиб, мазкур фанларни ўқитиш бўйича туризм коллежлари учун махсус стандарт ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Ўқувчилар фақат инглиз тили эмас, корейс, испан тилларини ҳам ўрганишни хоҳлашларини билдирди.

Яна бир муҳим масала: мамлакатимиздаги барча туризм касб-ҳунар коллежларини Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тасарруфидан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тасарруфига ўтказишдир. Бу туризм коллежларини ўқув дарсликлари билан таъминлаш, педагоглар таркибини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг амалиёт ўташи, туристик фирмалар, меҳмонхоналар фаолияти билан танишишга имконият яратади. Ҳозир бундай шароит мавжуд эмас. Ўқувчилар хусусий меҳмонхоналарда амалиёт ўтай олмаяптилар.

Тошкент туризм ва бизнес касб-ҳунар коллежида ЎзМТДП фаоллари олиб борган ўрганишлар мавжуд ҳолатни мунтазам таҳлил қилиш, камчилик ва муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш, коллеж билан партиянинг алоқаси ва ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатди.

ЎзМТДП фаоллари ана шундай мақсадга қаратилган ўрганиш ишларини давом эттирмоқда.

Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бошланғич партия ташкилоти — бош таянчимиз

ҚУЙИ БЎҒИНЛАР ФАОЛЛИГИ АҲОЛИНИНГ ПАРТИЯГА ИШОНЧИНИ ОШИРАДИ

Бошланғич партия ташкилотлари қанчалик фаол бўлса, партия ғоялари ва дастурий мақсад-вазифалари аҳоли орасига шунча чуқур кириб боради. Бу партия хайрихоҳларининг сафи кенгайиши, сайловолди Платформа ижросининг таъминланиши, электорат муаммоларининг ҳал этилиши билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча қуйи бўғини мана шу масъулиятни ҳис қилиб иш олиб борса, самарадорлик шунча юқори бўлиши шубҳасиз.

Навоий вилоятида ана шундай иш олиб бораётган бошланғич партия ташкилотлари анча. Жойларда қуйи бўғинлар ташкил этаётган амалий тадбирлар, олиб чиқаётган масалалар, аҳоли мурожаатлари ҳал этилиши вилоятда ЎзМТДП нуфузини мустаҳкамлаб, аҳолининг партияга бўлган ишончини ошираётир. Бу борада Кармана туман тиббиёт бирлашмаси қошида ташкил этилган қуйи бўғин фаолияти эътиборга молик.

Айни пайтда Кармана туман тиббиёт бирлашмаси тизимида 293 ўринга эга марказий шифохона, кўп тармоқли туман марказий поликлиникаси, 5 қишлоқ оилавий шифохонаси, 4 қишлоқ врачлик пункти, 4 шифокор учун хизмат уй жойи сифатида ташкил этилган тиббий муассаса, силга қарши курашиш диспансери ҳамда туман давлат санитария эпидемиология назорати маркази фаолият юритиб келмоқда.

— Ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, — дейди қуйи бўғин етакчиси Нодира Акромова. — Келажак эгаларини турли иллатлардан асраш, уларда ҳуқуқий маданият ва саводхонликни ошириш, қуйи бўғин аъзоларидан янада фаолликни талаб этади. Бошланғич партия ташкилотимизнинг айни пайтда 55 аъзоси бор. Қуйи бўғин ташаббуси билан ёшлар, уларнинг ота-оналари иштирокида оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни сақлашга кўмаклашиш сингари партиянинг устувор дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиб келяпмиз. Жумладан, "Мустаҳкам оила — жамиятимизнинг ҳал қилувчи кучи", "Саломатлик — туман бойлик", "Тиббий маданиятни юксалтиришда ЎзМТДПнинг ўрни", "Глобаллашув ва "оммавий маданият"нинг ёшлар онгига салбий таъсири" каби мавзулардаги тадбирлар ҳамда спорт мусобақалари ёшларнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзи анъаналарини қарор топтириш, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Тиббиёт бирлашмамизда аҳолига 177 нафар олий маълумотли шифокор, 983 ўрта махсус маълумотга эга тиббиёт ходими хизмат кўрсатмоқда, — дейди Кармана туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Бахтиёр Бозоров. — Тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар аҳолининг ҳаётдан розилиги, эл-юртимиз тараққиётига хизмат қилаётир. Президентимизнинг 2017 йил 29 мартдаги "Аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий-санитария тизими муассасалари фаолиятини янада такомилаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, партия ва бошланғич партия ташкилоти фаоллари билан биргаликда ташкил этилаётган сайёр қабул ва очиқ мулоқотларда аҳоли мурожаатлари ўрганилиб, депутатларимиз томонидан амалий кўмак берилмоқда.

Партия фаолларининг ўрганишлари натижасида оилавий поликлиникаларда аҳолига хирург, акушер-гинеколог, педиатр, стоматолог, терапевт ҳамда ультратовуш текшируви мутахассислари фаолият кўрсатаётганлиги, ҳар бир оилавий поликлиникада 6 тадан 10 тагача кундузги стационар ўринлар ташкил этилгани аниқланди. Айни пайтда оилавий поликлиникалар ёнида тез ёрдам шохобчаси, дорихона ва аҳолига кеча-ю кундуз тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида тиббиёт ходимлари учун хизмат уйлари ташкил этилмоқда.

Тиббиёт бирлашмаси қошида ташкил этилган қуйи бўғинда тиббиёт коллежларини тамомлаб, қишлоқ врачлик пунктларига ишга келаётган ёшлар учун ўқув-семинарлар ташкил этиш анъанага айланган. Ўқув машғулотларини ҳам тажрибали тиббиёт ходими, ҳам қуйи бўғин етакчиси сифатида Нодира Акромованинг ўзи олиб боради. Машғулотларда ёшлар сиёсий, маънавий, тиббий йўналишда сабоқ оладилар. Бу, ўз навбатида, қуйи бўғин сафида дунёқараши кенг, сиёсий-ҳуқуқий билими юксак ва билимдон ёшлар фаолиятига кенг йўл очаётир. Бундан аҳоли жуда мамнун. Чунки ҳар бир ота-она келажакда фарзанди ҳар томонлама баркамол бўлиб ҳаётга кириб боришини хоҳлайди.

Излаган имкон топади. Бошланғич партия ташкилотлари доимий изланиш, изчил ҳаракатда бўлса, янги имконият ва ютуқлар қўлга киритилиши, энг асосийси, аҳолининг партияга ишончи янада ортиши шубҳасиз.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Сайёр қабул

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ЭЪТИБОРИДА

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Нарпай туманидаги сайёр қабулда "Ноғорахона" маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Тоғаймурод Бўриев маҳалладаги 14-умумтаълим мактаби 2009 йил қурилиб ишга туширилган бўлса-да, таълим муассасаси ҳамон компьютер билан жиҳозланмаганини айтиб, ушбу масалада кўмак беришларини сўраб мурожаат қилди.

Мазкур мурожаатни халқ депутатлари туман Кенгашига партиядан сайланган депутат Шавкат Меликулов ўрганиб, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудирига депутатлик сўрови юборди. Сўровга қайтарилган жавобга кўра, айрим раҳбар ходимларнинг масъулиятсизлиги туфайли тумандаги 6 мактаб компьютер жиҳозлари билан таъминланмай қолгани маълум бўлди. Айни вақтда ушбу масала ўрганилаётир ва тез орада ижобий ҳал этилиши кутилмоқда.

Сайёр қабулларда Ноғорахона маҳалласида яшовчи Абдуҳаким Дониёров ўғлининг 2-гуруҳ ногирони эканлиги, лекин олаётган нафақа пули унинг дори-дармонига етмаётгани, Насиба Қайнарова 2 фарзанди учун алимент ололмаётгани, Бибосора Азимова фарзанди туғма ногиронлиги, унинг нафақаси ўз вақтида уйига етказиб берилмаётганлиги ҳамда газдан нореал қарздорлик қоғози келганлиги юзасидан мурожаат қилди. Партия фаоллари сайёр қабулда тушган мурожаатларни атрофлича ўрганиб, улар юзасидан амалий ёрдам кўрсатдилар, айримлари бўйича тушунчалар берилди, аксарияти юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юборилди.

Фуқаро Насиба Қамбарова маҳаллада ун ва ёғ маҳсулотлари белгиланган нархдан қиммат сотилаётганини айтиб, ушбу масалани ўрганиб чиқиб, унга ойдинлик киритишни сўради. Туман партия ташкилоти ходимлари "Зиадин" матлубот савдо МЧЖга қарашли дўкон мудираси Матлуба Ёвқочева билан учрашиб, юқоридаги ҳолатга изоҳ сўраганда, мудира бу ҳолатдан бехабар эканлигини, бундан буён нарх-наво қатъий назоратга олиниши ва ун-ёғ маҳсулотлари белгиланганидан юқори нархда сотилишига йўл қўйилмаслигини айтди.

"Халқобод" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Ибодат Фармонованинг мурожаати ҳам партия фаоллари эътиборидан четда қолмади. Унинг айтишича, келини Фарангиз Ҳикматова олий маълумотли бўлишига қарамасдан иш топа олмаётган экан. Онахоннинг мурожаати юзасидан туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудирига депутатлик сўрови юборилди. Тез фурсатда тарих фани ўқитувчиси Фарангиз Ҳикматова ўзи яшайдиган ҳудуддаги 64-умумтаълим мактабига ишга жойлаштирилди.

Фуқаролардан тушган мурожаатларнинг 155 таси ижобий ҳал этилиб, 51 таси юзасидан тушунтиришлар берилди, 64 таси тегишли ташкилотларга кўриб чиқиш учун юборилди.

Каттақўрғон туманининг Тарнов, Қиёт, Жарбоши маҳаллаларидаги сайёр қабуллар ҳам фуқаролар фаоллигида ўтди.

Тарнов маҳалласи фаоли Одил Сатторов ҳудудда электр симёғочлари эскирганлиги, аҳоли кўпайиб, хонадонлар сони ортаётгани сабабли сўнгги пайтда трансформатор қуввати етмаётганлиги оқибатида электр таъминотида узилишлар юзага келаётганини айтди. Ушбу масала жойида ўрганилди. Аниқланишича, мавжуд трансформатор 600 га яқин хонадонни электр энергияси билан таъминлаб бериш қувватига эга экан. Ҳолбуки, айни пайтда ҳудудда мингдан ортиқ хонадон мавжуд. Мазкур мурожаат юзасидан туман электр тармоқлари корхонасига депутатлик сўрови юборилиб, ижроси назоратга олинди.

ЎзМТДП Самарқанд вилоят ҳамда туман ва шаҳар кенгашларига жисмоний ва юридик шахслардан 2017 йил 9 ой мабойнида 270 мурожаат бўлди.

Учрашувда Қиёт маҳалласида яшовчи Лутфилло Аҳмедов аҳоли учун тоза ичимлик суви муаммосини ҳал қилиш юзасидан кўмак сўради. Партия фаоллари ва депутатлар шу ернинг ўзида вилоят "Сувоқова" корхонаси раҳбарияти билан телефон орқали боғланиб, ичимлик суви масаласига ойдинлик киритди. Тез кунда ҳудуддаги сув минорасининг электр трансформатори қурилиши якунлангач, ичимлик суви борасидаги муаммолар бартараф этилиши маълум қилинди.

Тумандаги Тарнов маҳалласида яшовчи Тўхташ Эшонқулова ўрта махсус маълумотга эга бўлган ўқитувчиларни махсус сиртқи бўлимга қамраб олиш бўйича, Жарбоши маҳалласидан Тошмамат Муродов янги маҳалла ташкил этиш зарурати борлиги юзасидан мурожаат қилди. Ушбу мурожаатлар юзасидан ҳуқуқий маслаҳат берилди.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Эътиборлиси, фуқаролар томонидан тушаётган мурожаатларнинг бирортаси партия фаоллари эътиборидан четда қолмаяпти. Юқорида келтирилган мурожаатларнинг ечим топаётгани инсон ҳуқуқ ва манфаатларига олий қадрият сифатида қаралаётган мамлакатимизда халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилаётганининг ёрқин ифодасидир.

Ёлқин ОҚБЎТАЕВ,
ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси

Бугуннинг гапи

ЭРТАКЛАР — ЯХШИЛИККА ЕТАКЛАР, ХЎШ, МУЛЬТФИЛЬМЛАР-ЧИ?..

...Болалигимда мультфильм кўрган куним байрам бўларди. Эсимда, "Зумрад ва Қиммат" мультфильми қачон бериларкан, деб соатлаб кутардим. Онам менинг хархашаларим боис ишдан қолиб бўлса-да, бирга мультфильм томоша қиларди. Сўнг "Зумраддек ақлли қиз бўлсанг, қўғирчоқ, ширинликлар олиб бераман," дерди. Айнан Зумрадга ўхшашни орзу қилганим учун ҳам онамнинг гапларига индамай кўнардим...

Бугунги куннинг фарзанди мультфильмни бизга ўхшаб соатлаб кутиб ўтирмайди. Истаган вақти ота-онасининг компьютеридан ўзи хоҳлаган мультфильмини томоша қилаверади. Мультфильмлар сони кўпайиши билан бир муаммо пайдо бўлди: хўш, бугун болаларга қайси мультқаҳрамонни намуна қилиб кўрсатиш мумкин? Музюрак маликаними ё кун-фуга "хиром айлайдиган" панданими ва ёки тили чучукланиб болаларни ўзига мослаштираётган Сидними? Ёхуд аллақачон нафақат болажонларни, балки катталарни ҳам "аллалай" олган Маша ва Маймоқними?

Доно халқимизда "хўрозқанд чет элники деса, ётиб ялаш керак эмас", деган гап бор. Глобаллашув аталмиш катта чархпалакнинг тўхтамай айланишида ушбу ибора болалар томоша қиладиган мультфильмларга ҳам дўниб бормоқда. Ёш авлод хориж мультфильмларини "ётиб" томоша қилмоқда.

Албатта, хориж мультипликаторлари бундай маҳсулот ишлаб чиқариш бобида жуда фаол. Уларда бу борада кўп йиллик тажриба бор, катта индустрия шаклланган, аниқ тизим ишлайди. Бироқ ғоя ва мафкура масаласи-чи? Четдан "экспорт" қилинаётган бу мафкуравий қуроллар таг замирида "оммавий маданият"нинг жирканч кўринишлари намоён бўлаётган бўлса-чи?

Аксарият хориж мультфильмларини кузатар эканмиз, бу шубҳаларимиз асосли эканига амин бўламиз.

Эътибор берадиган бўлсак, аксарият хориж мультфильмларида табиийлик йўқолган. Мисол учун, инсон ёки ҳайвон бош қаҳрамон сифатида олинган бўлса, унинг хатти-ҳаракат ва яшаш тарзи аслиятга тўғри келмайди. Бу оламни энди англаётган болада ёлғон тасаввурнинг шаклланишига туртки беради.

Ўзбек адабиётида масал деган жанр бор. Унда жамиятдаги турли иллатлар ҳайвон ва ҳашаротлар тилидан баён этилади. Бу маълум бир ҳудуд, минтақадаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг қандай кўринишда эканлигини очиб беришда қўл келади. Бу хусусиятни эртакларда ҳам учратиш мумкин. Фақат уларда масалдан фарқли ўлароқ воқеа-ҳодисалар бор ҳолича баён этилади. Бугунги кун мультфильмларида ҳам хар хил зараркунанда ҳашаротларнинг қаҳрамонга айланиши (мисол учун, сичқон, қурт-қумурска, смурфлар ва ҳоказо) боланинг ривожланиб бораётган онгига зарар етказади. Унинг онгида зараркунанда ҳашаротлар аслида фойдали, яхши экан, қабилидаги фикрнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Бундан ташқари, самовий жисм, ҳар хил мурватчаларнинг бош қаҳрамон қилиб олиниши ҳам боланинг реалликдан чекинишига, унинг табиий ҳаётдан узилиб қолишига сабаб бўлади. Яна бир гап. Ёш болалар учун мўлжалланган мультфильмларда севги-муҳаббат кадрларининг кўпайиб бораётгани ҳам ташвишли ҳол.

...Қўшнимнинг қуйиниб айтган гаплари ёдимга тушади: болаларим билан мультфильм томоша қилиб ўтирибмиз. Бир пайт мультфильм қаҳрамонлари бўлмиш икки сичқонча бир-биридан бўса олиб қолди. Қизимнинг "ойи, улар нима қилишяпти?" деган саволига нима деб жавоб беришни ҳам билмай қолдим...

Яна "сехрли бўса" қурбақанинг шаҳзодага айланиб қолишига ёрдам берувчи унсур қилиб олингани ҳам ақлга сиғмайди. Ҳеч замонда ҳам шундай бўлиши мумкинми?

— Мультипликация бугун жуда катта тезлик билан ривожланиб, кенг қулоч ёзаётган соҳалардан бири, — дейди санъатшунослик фанлари номзоди Ҳамиджон Икромов. — Телетомошабинларнинг айнан анимацион фильмларга бўлган талаби юқори даражада. Уларнинг кенг оммалашишига анимациялардаги кучли динамика сабаб бўлмоқда. Чет эл мультфильмларидаги ранг-баранглилик, ёркинлик, ҳаракат кетидан ҳаракат, конфликтга бой воқеалар, ёркин либосли қаҳрамонлар томошабинни ўзига мафтун қилади. Бу каби жиҳатлар аслида кичик ёшдаги томошабинларга мўлжалланган кинолларга қўйиладиган талабдир. Шу сабаб бундай мультфильмлар кундан кунга оммалашиб бормоқда. Унинг салбий таъсирлари ҳам шунга яраша бўлмоқда.

Бугун рус аниматорлари ишлаган "Маша ва Маймоқ" мультфильми кириб бормаган хонадон бўлмаса керак. Ҳатто оқила бекаларимиз фарзандларининг жимгина ўтиришлари учун ушбу мультфильм билан улар "оғзини мойлаб қўяётгани" ҳам бор гап. Қувноқ Машахон шўхликлар қилаверади, Маймоқвойнинг ўзига ёки уйига зарар етказаверади. Раҳмдил айиқ эса ҳар сафар уни кечираверади. Айёр Машанинг "шўхлик"лари (буни безорилик десак, тўғрироқ бўлади) кучайса кучаядики, камаймайди. Тўғри, бу ўринда қаҳрамон Машани бутунлай ёмонга чиқариб бўлмайди. У ёшгина қизалоқ, қилган хатоларини тузатмоқчи бўлади. Лекин ҳар сафар хатосини тузатиш учун қилинган саъй-ҳаракати Маймоқ учун янада қимматга тушаверади. Мана шу жимитдай қизалоқ ўйлаб топган қувликлар катта айиқнинг силласини қуритишга кифоя қилади. Машанинг китоблардан стул ясаш эпизодини бир эсланг. Маймоқвойнинг спортдаги ғалаба кубогини олиш учун жавонда терилган китоблардан фойдаланади. Бу ўринда Машанинг китобни

оёкости қилиши, ундан шунчаки бир буюм сифатида фойдаланишини умуман оқлаб бўлмайди. Чунки бутун дунёда китоб ардоқланади, айниқса, мамлакатимизда китобга бўлган муносабат бутунлай бошқача.

Мультфильмни томоша қила туриб, томошабинда саволлар туғилади: Машахонни тергаб турадиган ота-онаси борми? Нега улар мультфильм давомида умуман кўриниш бермайди? Нега у айиқ билан яшайди?

Шу каби саволлар бола тугул катталарни ҳам ўйга толдиради. Балки буларнинг ҳаммаси ижодкор хаёлоти, фантазиясидир. Аммо бу болаларда ота-онасиз хоҳлаган ишни қилиш мумкин, деган фикрни шакллантирмасмикан? Митти қизалоқнинг айёрлиги афсуски, болаларимиз онгига сингиб бораётир.

...Яқинда опамникига бордим. Беш ёшли жияним гапни гапга қовуштирмай, тўполон қилаверди. Опам танбеҳ берса, лаб буриб худди Маша сингари аразлаб олди. Ёқимсиз машғулотига рухсат теккач, аразини қўйди.

Жиянимдан "нега бундай қилдинг, ойингни ранжитяпсан-ку?", деб сўрасам, у: "Маша ҳам шунақа қилади-ку. Тўполон қилаверса ҳам барибир Айиқ кечиради. Ойим ҳам доим мени кечириб айтганларимни қилади", деди.

Ҳайратдан ёқа ушлаб қолдим...

Бу қандай ҳолат бўлдики, фарзандларимиз очиқ-ошкора мультқаҳрамонларга тақлид қилиб, ота-оналарига бўйсунмай қўйди? Беш ёшли қизалоқнинг лаб буриши улғайганида катта можароларга сабаб бўлмайдими? Хўш, Маша қандай қилиб қизларнинг "кумири"га айланмоқда? Ахир ўзимиз қизимизни шўхлик қилганида, аразлаганида малласоч Машахон, дея эркалаб, уларни ушбу қаҳрамонга янада боғлаб қўймаяпмизми?

Фарзандларимизнинг бундай фикрлаши, очиқ-ошкора миллий менталитетимизга тўғри келмайдиган мультфильмларга тақлид қилаётгани кишини ўйга толдиради. Бу борада психологлар болага ҳар бир нарсани аслидек тушинтиришни, уларни янглиш фаразлар билан чалғитмасликни маслаҳат беради.

— Боланинг нерв толаси жуда нозик, — дейди психолог Севара Турсунова. — Унинг психологияси ҳам катталарникидан тубдан фарқ қилади. Болага асабий зўриқтирадиган, мия фаолиятига зарар етказадиган, катта куч талаб этадиган кино, мультфильм томоша қилишларига рухсат бермаслик лозим. Сабаби бола жангари, ур-сур, шовқинга бой тасвирларни томоша қила туриб, кўрганларини жажжи миясида анализ-синтез қилади. Бу эса асабий зўриқишга олиб келади. Кечаси уйқунинг бузилиши, тагини хўллаб қўйишлик, хотиранинг заифлашуви каби нохуш ҳолатларни келтириб чиқаради. Бунинг олдини олиш учун улар томоша қилаётган кино, мультфильмларга эътиборли бўлиш керак.

Дўкон пештахталарида ял-ял ёниб турган мультфильм дискини сотиб олаётганда, фарзандимизга "Болажон", "MY5", "ZO'R TV" (мазкур хусусий каналларда болалар соатида намойиш қилинадиган мультфильмлар) каналини қўйиб берганимизда уларда акс этган тасвирларга бефарқ бўлмайлик. Ўзбек тилига таржима қилинган "Мадагаскар", "Ҳайвонлар шаҳри", "Музлик даври" сингари мультфильмларда тилга олинган қўштирноқ ичидаги қизиқарли суҳбатлар, ҳолатлар ўзбек болалари орасида "мода" бўлишига, сўзлашув иборалари бўлиб қолишига йўл қўймайлик. Келгусида комил инсонни тарбиялайман, деган ният билан фарзанд ўстираётган ҳар бир ота-она бу жиҳатларга, албатта, сергак бўлиши лозим.

Хўш, чет элники бизга тўғри келмас экан, унда нима учун уларни харид қиляпмиз? Ўзимизнинг мультфильмлар миллий урф-одат ва анъаналаримиз, миллий маънавиятимизга тўғри келадими, жаҳон стандартларига жавоб берадими?

Ўзбек аниматорлари ишлаган мультфильмлар ҳамиша барчамиз учун севимли бўлиб келган. Айниқса, 1990 йилдан 2000 йилга қадар яратилган ўзбек мультфильмлари кўпроқ ёдга олинади, чамамда. Ўша пайтлар яратилган ва биз севиб томоша қилганимиз: "Зумрад ва Қиммат", "Ака-укалар", "Мешкоб" сингари мультфильмларни ҳамон ўзгача завқ билан эслаймиз. Албатта, улар бизнинг болалик хотираларимизда қолган. Балки шунинг учун жозибали туюлаётгандир?

Бугунги болаларда ҳамма имконият етарли. Мобиль телефон, компьютер ва интернетдан қандай фойдаланишни билган бола учун мультфильм томоша қилиш, унинг телевизорда намойиш вақтини кутиб ўтириш мутлақо қизиқ эмас.

Кино ижодкорларимиз яратаётган миллий мультфильмларда эътироф этадиган жиҳатлар ҳам бисёр. "Қари билганни пари билмас", "Эгривой ва Тўғривой", "Семурғ қуши" каби миллий мультфильмларимиз болаларни ўзаро меҳр-муҳаббатли бўлишга, самимийлик, тўғри сўзликка ўргатиб, интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилаётир.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, сўнгги йилларда яратилаётган аксарият мультфильмларимиз учун бир умумий жиҳатни англаш қийин эмас. Биринчи эътибор қаратиш керак бўлган жиҳат — динамиканинг йўқлиги, яъни сохталик билан томошабинни алдаш. Ҳатто кичик ёшдаги болалар ҳам воқеаларга ишонмайди. Алпомиш, Тўмарис сингари миллатимиз қаҳрамонлари акс этган мультфильмларни кўриб, тўғриси, тарих ардоқлаган аждодларимиз ҳақида ҳам шундай мултьфильм яратиладими, дея афсусланасиз.

Эътибор беринг: халқнинг буюк фарзандлари жасорати ҳаракатлар сустлиги билан акс эттирилади. Жўн воқеа, уйғунлиги йўқ сўз ва тасвирлар жажжи томошабинни ҳам зериктиради. "Мен сизга айтсам..." мультфильмида лофчининг қўшниси ва хотинини алдаши, жуда кўп ёлғон гапириши, афанди қўшнисининг 999 тангасини олиб, уни чув туширишни, деҳқончилик орқали рақибини, бўялган қовун билан бойларни алдаши; "Тулки ва бедана" мультфильмида эса бедана тулкини алдаши ҳақидаги ва шуларга ўхшаш ўнлаб мультфильмлар фирибгарлик, бировларни чув тушуриш, ёлғончиликнинг улуғланиши каби ёт ғоялар тарғиботидек гўё.

Улардаги ижобий қаҳрамон салбий образ ёки хасис бойга фириб беради. Бу бола онгига ёмонга фириб бериш — яхшилик экан, деган тушунчанинг шаклланишини таъминлайди. Бу "олғир" жиҳатлари билан миллий маҳсулотларимиз ҳам хорижникидан сира қолишмаяпти.

— Ўзбек анимацияси ривожланиш босқичида, соҳа илдамлаб бормоқда, — дейди аниматор Бекзод Саломов. — Аммо кадрлар тайёрлаш масаласи ҳамон долзарб бўлиб турибди. Чунки бу кишидан жуда катта меҳнат, изланиш ва албатта, сабрни талаб этади. Битта мультфильм учун ўртача 5-6 ой вақт керак бўлади. Хориж тажрибасини ўрганиш, уни амалиётга татбиқ этиш борасида ҳам талай муаммоларимиз бор. Яхши мультфильм яратишда мавзу танлаш, унинг ғояси жуда муҳим.

Биз катталар ёшлигимиздан кино, мультфильмларда кўрган қаҳрамонларимизга ўхшашни орзу қилганмиз, уларга ҳавас, қай ўринда тақлид ҳам қилганмиз. Аммо бугунги ёшлар қайси миллий кино ва мультфильм қаҳрамонига ҳавас қилишни билмайди. Болалар учун яратилаётган миллий мультфильмларнинг камлиги, борларининг ҳам савияси ҳаминқадар эканлиги ҳам айни ҳақиқат. Шундай бўлганидан сўнг мультфильм кўргиси келган болада нима айб? У мана бу ўзимизнинг миллий мультфильм экан, бу эса чет элнинг бузғунчи ғояларига йўғрилган фильми экан, деб ўтирадими? Йўқ, афсуски бола бундай қилмайди. Уни қайси бири жалб қилса, шуни томоша қилади-кўяди.

Президентимиз томонидан шу йил 7 август куни қабул қилинган "Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор бу борадаги долзарб муаммолар ечимида катта аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, ўзбек киноси, болалар мультипликацион фильмларининг мавқеини ошириш йўлида улкан қадам бўлди. Қарорда юксак савияли фильмлар суратга олиш кўламини кенгайтириш, уларни жаҳон бозорига чиқариш ва фестивалларда намойиш этиш, миллий кинематографиянинг энг сара асарларини тиклаш, замонавий форматга ўтказиш каби вазифалар белгиландики, бу "мудраб ётган" ўзбек киносига туртки бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

— Бугун жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёни, мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг устувор вазифалари барча соҳа ва тармоқлар қатори кино саньати фаолиятини ҳам такомиллаштиришни талаб этмоқда, — дейди мультипликатор-режиссёр Асад Зиёхўжаев. — Миллий кинематографияни янада ривожлантириш борасида қабул қилинган Президент қарори бу йўлда қилинажак ишларнинг аниқ стратегиясини белгилаб берди. Аслида мазкур қарорда белгиланган вазифалар ва уларнинг аҳамияти ҳақида узоқ сўзлаш мумкин. Бунда биргина жиҳат — болалар учун мультипликацион фильмлар, юмористик киножурналлар суратга олиш масаласига урғу берилгани алоҳида эътиборга молик. Кейинги йилдан бошлаб мамлакатимизда йилига ўн бешта, 2022 йилдан бошлаб 50 мультипликацион фильм суратга олиниши белгиланган бу борадаги бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади. Қолаверса, юртимиздаги ёш, истеъдодли ва истиқболли ижодкорлар малакасини ошириш мақсадида уларнинг хориждаги тегишли етакчи таълим муассасаларида мунтазам равишда таҳсил олишлари учун зарур шароитлар яратиб берилиши келажакда иқтидорли мутахассислар сони ва салмоғи ошишига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарорига мултипликация соҳаси учун ҳам эътибор, ҳам рағбат, ҳам масъулият, деб қараш даркор. Бу масъулиятни сидқидилдан адо этиш учун тинимсиз изланиш, замон талабларини теран ҳис этган ҳолда янги, янада юксак савияли мультфильмлар яратиш талаб этилади. Ана шундагина, маълум маънода, бизга қолдирилган меросни давом эттирган, келажак авлод олдидаги бурчимизни бажарган бўламиз.

Нигора НИШОНБОЕВА,
"Milliy tiklanish"мухбири

Миллий гурур

27 ЁШЛИ ФАН ДОКТОРИ

... Саиданинг математикага ҳаваси болаликдан уйғонди. Дастлаб кўзига кўринган нарсаларни жажжи бармоқлари ёрдамида ҳисоблаб юрган қизалоққа кейинчалик кўп хонали сонларни кўпайтириш ва бўлиш, миқдорини чиқариш чўт бўлмай қолди. Унинг дадаси Сафибулло Абдуллаев физика-математика фани ўқитувчиси бўлгани боис қизидаги ҳисоб-китоб амалларига бўлган қизиқишни тўғри йўналтириш йўлларини яхши биларди.

Бугунги кунда Тошкент ахборот технологиялари университетининг "Аудиовизуал технологиялари" кафедраси доценти бўлиб ишлаётган Саида Бекназарованинг иқтидори шу тарзда шакланди.

— Қизим ёшлигида баъзи тенгдошлари каби ўйинқароқ, сергап ва фаол эмасди, — дейди Сафибулло ака. — Шунинг учун кўзга кўринган буюмларни санаш, натижаларни эса ҳисоблаб чиқиш унинг кундалик ишига айланди. Ўқиган китобларини муҳокама қилардик, сўнг карра жадвалини ёдлатдик. Шу-шу унда ҳисоб-китоб билан ишлаш, аниқ фикрлаш шакллана борди.

Наманган шаҳридаги аниқ фанларга ихтисослашган гимназия-мактабидаги таҳсил давомида устозлари Саидадаги қобилиятни пайқашди. Унга кўпроқ вақт ажратиб, қўшимча машғулотлар олиб боришди. Бу тез самара бера бошлади: фан олимпиадаларидаги юқори натижалар, қатор танловлардаги совринлар — буларнинг бари уни ўз устида янада қатъий ишлашга ундади. 2007 йили "Келажак овози" республика танловининг "Ахборот коммуникация технологиялари" номинацияси бўйича фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

У Наманган муҳандислик педагогика институти талабаси пайти Президент стипендияси совриндори бўлди. Бу унга кейинчалик Тошкент ахборот технологиялари университетининг аспирантура босқичида ўқиш, таълим давомида бир қатор илмий изланишлар олиб бориш имконини берди. Ёш олиманинг сабот билан тинмай қилган меҳнатлари ўз самарасини бера бошлади: 2015 йили "TIAV-мультимедиа тизимларида ахборот ресурсларига дискрет-узлуксиз ишлов бериш жараёнларини моделлаштириш усуллари" мавзусидаги докторлик диссертация ишини муваффақиятли ҳимоя қилди.

— 27 ёшимда техника фанлари доктори бўлиш, албатта, мен учун улкан шараф, — дейди Саида. — Бунда илмий раҳбарим Қаҳҳор Абдурахмоновнинг хизматлари катта. Бугунги глобаллашув даврида нафақат ёшлар, балки катта ёшли инсонлар ҳам замонавий телекоммуникация воситаларидан узлуксиз фойдаланиб келмоқда. Бу жараёнда, албатта, ўзимизнинг миллий мобиль иловаларга бўлган талаб ва эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Докторлик ишим айнан мана шу мавзуга бағишланган бўлиб, бу борадаги ишлар механизмлар ҳақидаги изланишлар натижасидир.

Саида Бекназарова 2016 йили Россияда "Фан ҳамкорлиги" халқаро тадқиқот маркази ташкил этган "Эътироф" I-халқаро танловида 2-ўринга лойиқ топилди. Ёш олима бундан ташқари кўплаб халқаро беллашув ва симпозиумларда ҳам муваффақиятли иштирок этгани танлаган соҳасида ўз салоҳиятини синаб кўриш имконини берди.

Иқтидоли олиманинг шу кунгача 89 илмий иши чоп этилган. Улардан электрон ҳисоблаш машинаси (ЭҲМ) учун яратилган 8 дастурий воситага Патент идораси ва Интеллектуал мулк агентлигининг гувоҳномаси берилган.

Саида Бекназарова бугун Тошкент ахборот технологиялари университетида "Иқтидорли ёшлар клуби"ни ташкил этган. Талабаларга илмий фаолият олиб бориш учун астойдил ёрдам бермоқда.

Бўладиган бола бошидан маълум, дейди доно халқимиз. Болаликдан илмнинг нурли манзиллари томон шаҳдам қадамлар билан йўл босиб келаётган Саида Бекназарова бугун ана шу нақлни амалда исботлаган умидли ёшлардан. Олиманинг иқтидори, тафаккури ва ўзига бўлган ишончи уни илм чўққилари томон етакламоқда.

Нигора АНВАРАЛИЕВА,
"Milliy tiklanish"мухбири

ММММда

АВТОБУСЛАРГА ЙЎЛКИРАНИ ЭЛЕКТРОН ТАРЗДА ТЎЛАШ ИМКОНИЯТИ ЯРАТИЛАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 10 январдаги "Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ, 2017 йилда 86 шаҳар ва шаҳарлараро автобус йўналишини очиш режалаштирилган. Бугунги кунгача 81 йўналиш бўйича йўл чизмаси, қатнов жадвали ва бошқа маълумотлар ишлаб чиқилди. Шундан 57 янги автобус йўналиши очилиб, қатновлар йўлга қўйилди. Навоий вилоятида иккита, Сурхондарё вилоятида битта автостанция фойдаланишга топширилди. Реконструкция қилинаётган олти автовокзал ва автостанциянинг иккитасида ишлар якунланди.

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги тизимда амалга оширилаётган ишлар, автотранспорт соҳасида тадбиркорларга яратилаётган қулайликлар ҳамда интерактив хизматларга бағишлаб ўтказган матбуот анжуманида маълум қилинди.

— Автобусларда йўл ҳақи тўловини электрон тарзда амалга ошириш тизимини кенг жорий этиш ҳам муҳим вазифаларимиздан бири, — дейди Агентликнинг ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш гуруҳи раҳбари Абдурашид Тўлаганов. — Бу тўлов тизимини жорий йилнинг 1 май кунидан бошлаб Андижон шаҳридаги 150 автобусда синаб кўришни бошлаган эдик. Бугунги кунда Гулистон шаҳридаги 10 автобусда синов тариқасида валидатор ўрнатилди. Булар амалда ижобий натижалар бера бошлади. 2018 йилда йўл ҳақининг электрон тўлов тизимини бутун республика бўйлаб кенг жорий этишни мақсад қилиб олганмиз. Бу йўловчилар учун янада қулайлик яратади.

Автобус ва микроавтобусларда йўловчилар ташишни амалга оширишнинг марказлаштирилган ҳолда мониторингини олиб бориш ҳам бугунги кун талабларидандир. Шу мақсадда Гулистон шаҳрида 60, Андижон шаҳрида 142, Фарғона шаҳрида 108 автобусга пилот лойиҳаси доирасида он-лайн режимида масофадан кузатиш тизими — GPS трекерлари ўрнатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида" 2006 йил 14 июлдаги 138-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарорига асосан, автомобиль транспортида лицензиялаш тартибининг соддалаштирилгани ҳам автотранспорт соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорларга яратилаётган кенг қулайликлар ифодасидир. Тадбиркорлик субъектларига шаҳарлараро юк ва йўловчи ташиш учун лицензия беришга қарор қабул қилиш ва лицензия варақаларини бериш агентликнинг жойлардаги ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилиб, автотранспорт фаолият турининг лицензияланадиган учта қисми қисқартирилди. Шунингдек, лицензия варақасини қайта расмийлаштириш тартиби соддалаштирилди.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
45 (477) 2017 йил 1 ноябрь, чоршанба

Ватанпарварлик — олий қадрият

ТОБЛАНИШ ВА УЛҒАЙИШ МАКТАБИ

Қудратли ва жанговар армия мамлакатимиз барқарорлиги ва фаровонлиги кафолатидир. Мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида Қуролли Кучларимизнинг моддий ва маънавий қиёфаси янгиланди. Замон талабларига жавоб берадиган тезкор, ихчам, замонавий қурол-ярог ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямиз барпо этилди. Миллий армиямизнинг жанговар қудратини юксалтириш, ҳарбийларнинг профессионал малакасини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Буни Хоразм вилоятида жойлашган ҳарбий қисмлардан бирининг фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

...Ҳарбий қисмга кириб борар экансиз, илк тасаввурнинг ўзидаёқ у ўз фаолияти билан округдаги намунали қисмлардан бири экани ҳақида таассурот уйғотади. Тартиб билан шакл берилган, оқланган манзарали ва мевали дарахтлар, ранг-баранг гуллар...

Ҳарбий қисм шахсий таркибининг жанговар шайлигини ошириш учун компьютерлаштирилган ўқув-машғулот заллари, аскарлар билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган дала ўқув маркази замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Бу ерда мунтазам равишда ҳарбий машғулотлар ўтказилади. Ҳарбий хизматчиларнинг билимини юксалтириш, касб маҳоратини янада ошириш учун кўрик-танлов ва мусобақалар мунтазам ташкил этилмоқда.

Қисмдаги кутубхона, маънавий-маърифий тайёргарлик хоналари эътиборимизни тортди.

— Ҳарбий қисмда аскарларнинг чуқур билим олиши, замонавий ҳарбий техника ва қурол-яроғлардан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиши, жанговар-руҳий тайёргарлигини мустаҳкамлаш учун барча шароит яратилган, — дейди "Содиқ хизматлари учун" медали соҳиби, ҳарбий қисм командирининг ўринбосари, майор Артур Аблякимов. — Ўқув хоналари ва амалий машғулотлар ўтказиш майдончалари зарур жиҳоз ва ускуналар, компьютер технологиялари билан таъминланган. Кутубхонада керакли ўқув қўлланма ва адабиётлар, кўргазмали воситалар мавжуд. Машғулотлардан сўнг вақтни мазмунли ўтказиши учун барча имконият яратилган.

Дарҳақиқат, бугун йигитларимиз Қуролли Кучларимиз сафида замонавий шароитда хизмат вазифасини ўташ билан бирга, жисмоний тобланиб, интеллектуал салоҳияти юксалмоқда. Ҳарбий қисмда аскарларнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш, маънавий-маърифий тадбирлардаги фаоллигини ошириш доимий эътибордаги масалалардан. Зеро, юрт посбонларининг ён-атрофимизда кечаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан дахлдорлик туйғусини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, уларда фаол ҳаётий позицияга эгалик ва ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш — муҳим вазифа. Бу ҳарбий қисм ва бўлинмаларда олиб борилаётган маънавий-маърифий тайёргарлик машғулотлари самарадорлигига ҳам боғлиқ.

— Маънавий-маърифий тайёргарлик хоналарининг зарур анжом ва воситалар, газета ҳамда журналлар, турли адабиётлар билан жиҳозланиши аскарларнинг билими ва салоҳиятини ошириш, маънавий дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилади, — дейди ҳарбий қисм командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, майор Отабек Санақулов. — Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида Самарқандда ўтказилган сайёр видеоселектор йиғилишида олдимизга қўйилган вазифалар ижроси ҳамда вилоятдаги бир қатор жамоат ташкилотлари, муассасалар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган тадбирлар режаси доирасида ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда ўқув дастури ишлаб чиқдик. Унга кўра, ҳафтанинг душанба куни — инглиз тили, сешанба — ахборот технологиялари, чоршанба — аждодлар жасорати — ибрат намунаси, пайшанба — китобхонлик, жума — ZiyoNet электрон кутубхонасидан фойдаланиш куни сифатида белгиланган.

...Шу куни ўз йигитлик бурчини ўтаётган муддатли ҳабий хизматчилар билан бўлган суҳбат давомида улар қалбида бўлғуси Ватан ҳимоячиси эканидан ғурурланиш туйғуси, мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлиги учун масъуллик, ҳаётимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига дахлдорлик ҳисси юксак эканига амин бўлдик.

Аскарларнинг интеллектуал ва маънавий савияси етуклиги, масъулиятли ва интизомлилиги эътиборга лойиқ. Бу ўғлонлар замонавий ахборот коммуникация технологияларини, хорижий тилларни пухта эгаллаган, энг асосийси, ҳаёт ҳақида ўзининг мустақил фикри ва қарашига эга ёшлардир.

Шартнома асосида хизмат қилаётган самарқандлик оддий аскар Фурқат Бобоқулов ҳам улардан бири.

— Армия йигит учун ҳақиқий ҳаёт мактаби, — дейди Фурқат Бобоқулов. — Ҳар қандай вазифага масъулият билан ёндашиш, бошлаган ишни охиригача етказиш, жамоадошларни қўллаб-қувватлаш, ақлий салоҳиятни ошириб бориш ва жисмоний баркамолликка эришиш учун тинимсиз меҳнат қилиш, ташаббускор ва интилувчан бўлиш зарур. Турли вилоятлардан келган йигитлар — сафдошлар билан дўстлашдим. Командирларимизнинг ғамхўрлиги ва дўстона муносабати кўпчилигимизда ҳарбийликка бўлган қизиқишимизни тобора оширмоқда. Армия ҳақидаги таассуротларим кун, машғулот сайин бойиб бормоқда. Тўғрисини айтганда, эндиликда ўзимни ҳарбийликдан бошқа соҳада тасаввур ҳам қилмаяпман.

Фурқатнинг ҳарбийларга хос дадиллик, қатъий ишонч билан айтган сўзларини тинглаб, Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш ёшларимизнинг олий мақсадларидан бирига айланганига яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз. Бу мустақиллик туфайли дунёқарашимиз, онгу тафаккуримиз ўзгарганидан, етук ва баркамол, мустақил фикрлайдиган, юрт тинчлиги, халқ хотиржамлигини таъминлашни шарафли бурч, деб биладиган янги авлод камол топганидан далолат беради.

Азамат САФАР,
"Milliy tiklanish" мухбири

ММММда

ХАЛҚ ВА АРМИЯ ЎРТАСИДАГИ МУҲИМ БЎҒИН

24 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг "Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинганига беш йил тўлди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Жамоатчилик кенгаши ўтган давр мобайнида Қуролли Кучлар устидан жамоатчилик назорати, халқ ва миллий армиямиз бирдамлиги механизмларини мустаҳкамлаш юзасидан амалга оширган ишлар ҳисоботига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси И.Мирзаалиев ва бошқалар Жамоатчилик кенгаши халқимиз ва армиямиз ўртасида мустаҳкам кўприк воситасини ўтаётганини таъкидлади. Кенгаш ҳарбий идоралар фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, давлатимизнинг мудофаа ва ҳарбий қурилиш борасида юритаётган сиёсатини амалга ошириш жараёнига фуқаролик ва ижтимоий бирлашмаларни кенг жалб қилиш, ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг самарали тизимини шакллантириш каби юксак мақсадларга хизмат қилмоқда.

— Жамоатчилик кенгаши амалга ошираётган ишлар бир томондан Ватан ҳимоячиларининг кайфиятини, Қуролли Кучларда кечаётган ислоҳотлар, ўзгаришларга ҳарбий хизматчиларнинг муносабатини аниқлашга имкон бераётган бўлса, иккинчи томондан халқимизнинг ўз армиясига бўлган эътиборини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланди, — дейди Жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари М.Умаров. — Бунинг натижасида Қуролли Кучлар ва халқимиз ўртасидаги ришталар мустаҳкамланиб, миллатимизнинг ўз армиясига нисбатан фахр, ғурур, ифтихор туйғулари янада ошмоқда.

Жамоатчилик кенгаши депутатлар, вазирлик ва идоралар, ижодий уюшмалар, жамоатчилик жамғармалари ва ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, санъат ва фан арбоблари билан яқин ҳамкорликда фаолият юритиб келаётир.

Матбуот анжуманида Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши давлатимиз раҳбари қарорига мувофиқ ёшларни мамлакатимиз олий ҳарбий таълим муассасаларига киришга тайёрлайдиган махсус гуруҳлар ташкил этилган 29 коллеж ва лицейларида ўқув жараёнини йўлга қўйишда, "Темурбеклар мактаби" ихтисослаштирилган ҳарбий лицейларини ислоҳ қилиш жараёнида ҳам фаол иштирок этиши зарурлиги қайд этилди.

Тадбирда келгуси йилдан миллий армиямиз ҳақида янги бадиий фильмлар суратга олиниши ҳақида хабар қилинди. Шунингдек, давлатимиз томонидан "Аскарлар кутубхонаси" рукни остида ватанпарварлик мавзусидаги китоблар чоп этилишига ҳам маблағ ажратилди.

Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Нигора НИШОНБОЕВА,
"Milliy tiklanish"мухбири

Ибрат

МЕҲНАТИДАН ҚАДР ТОПИБ...

Инсон меҳнати ва эзгу ишлари билан ҳаётда қадр топади, обрў-эътибор қозонади. Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги 87-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси Мираҳмад Бегибоев ана шундай қадр топган устозлардан.

Бундан 22 йил аввал Тошкент давлат педагогика университетини имтиёзли диплом билан битирган ёш мутахассис ушбу мактабда меҳнат фаолиятини бошлади. Устозлари Исомиддин Умаров, Ҳадича Худойбердиевадан касб сирларини ўрганди, тажриба орттирди. Дарсда ҳар бир ўқувчини диққат билан тинглаш, унинг қалбига йўл топиш муҳимлигини англади. Кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида ўзига хос тажриба мактаби яратди.

Олий тоифали ўқитувчи, халқ таълими аълочиси Мираҳмад Бегибоев иш жараёнида ноанъанавий усуллар, илғор педагогик технологиялар асосида дарс ўтишга алоҳида эътибор қаратади, услубий тавсияномалар ишлаб чиқади. Туман мактабларида кимё ва биология фанларини ўқитишда унинг илғор иш услубларидан кенг фойдаланилади. Айни пайтда 87- ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби кимё фани бўйича тумандаги маҳорат мактаби саналади. Тажрибали педагог 2005 йилдан буён вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида ноанъанавий дарс ўтиш тажрибасидан ўқитувчиларга маъруза ўқиб келади. Шунингдек, инновацион лаборатория бўйича вилоятда кимё ўқитувчиларининг тренери ҳамдир.

Мираҳмад Бегибоевнинг шогирдлари танлов ва фан олимпиадаларида доимо илғор. Ўтган ўқув йилида Марҳабо Ҳамидова ва Фаррух Саъдуллаев "Билимлар беллашуви"нинг республика, Камрон Неъматуллаев эса вилоят босқичида фахрли ўринларни қўлга киритди.

— Устозим ҳар бир дарсни янгича усулда, жонли, қизиқарли қилиб ўтганлиги боис вақт қандай ўтганини ҳам сезмай қоламиз, — дейди Фаррух Саъдуллаев. — Айниқса, дарсларни ўзлаштиришда мантиқий фикрлашимизга алоҳида эътибор қаратади. Олимпиададаги муваффақиятга ўқитувчим саъй-ҳаракатлари туфайли эришдим. Бундан-да юқори натижаларни қўлга киритиб, устозларимнинг менга билдирган ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Дарҳақиқат, таълим соҳаси фидойиликни талаб этади. Шу боис мамлакатимизда ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларнинг онгу шуурини турли мафкуравий таҳдидлар таъсиридан ҳимоя қилиш, жаҳон андозаларига мос таълим-тарбия тизими жараёнида устоз-мураббийлар, соҳа мутахассисларининг меҳнатини муносиб қадрлаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 27 сентябрдаги "Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармонига мувофиқ жонкуяр муаллим Мираҳмад Бегибоев "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Кўп йиллик самарали меҳнатига берилган бу юксак эътироф устозни баркамол авлод тарбиясидаги фаолияти самарадорлигини янада оширишга ундамоқда.

— Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида ўқитувчининг ижтимоий мавқеи юксалди, ўқитувчилик чиндан шарафли касбга айланди, қадр топди, — дейди у. — Замонавий ва кўркам мактаблар барпо этилиб, таълим-тарбия, ўқиш ва ўқитиш тизими такомиллаштирилди. Бу биз, ўқитувчиларнинг зиммамиздаги масъулиятни янада оширди. Мен шу касбни танлаганимдан, келажаги буюк Ўзбекистонимизга муносиб авлодлар тарбиялаш ишига оз бўлса-да, ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман.

Абдулла САИДОВ,
журналист

Кўргазма

Санъат инсон дунёқараши, маънавияти ва бутун борлигини бойитувчи ажиб бир оламдир. Унга ошно бўлган инсон гўзаллик ва нафосат аталмиш нурли оламнинг жилваларини ҳис қилади, ўзга қалб кечинмаларини-да қалбидан ўтказади. Шу боис санъат инсонни улуғловчи восита, дея эътироф этилади.

СУВБЎЁҚНИНГ СЕҲРИ

Ўзбекистон заминида вояга етган, таълим-тарбия олиб, турли соҳалар бўйича фаолият кўрсатаётган ижодкорларни дунёнинг кўплаб давлатларида учратиш мумкин. Улар эришаётган ютуқлар замирида юртимиз таълим тизими, устозлар ўгити, ўзбек халқининг катта меҳнати ва эътибори мужассам. Шундай фидоий ижодкорлардан бири Андрей Есионовдир.

Андрей Есионов инсонларга ўз санъати билан гўзаллик улашиб келаётган кўп қиррали ижодкордир. Тошкентда туғилиб вояга етган рассомнинг болаликдан тасвирий санъатга иштиёқи баланд бўлган. Илк сабоқни Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат мактаб-интернатида олиш билан бошлайди. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида олган таълим ва устозлар ўгити бўлажак рассом ҳаётида муҳим роль ўйнайди.

А. Есионов Россия Бадиий академияси мухбир аъзоси ва академиянинг олтин медаль соҳиби ҳамдир. У Париж, Москва, Санкт-Петербург, Қозон каби шаҳарларда шахсий кўргазмаларини ташкил этиб, мухлислар эътиборини қозонган. Бугунги кунда унинг асарлари Россиянинг нуфузли музейларида сақланмоқда.

Рассом ижодига назар ташлар эканмиз, у яратган асарларда мураккаб акварел техникаси рассомнинг ижодий услубидан дарак эканлигига гувоҳ бўламиз. У ўз асарларида рангларни маълум эстетик қарашларига бўйсундирган. Ранг сезиш қобилияти кучли истеъдод билан уйғунлашиб, қаҳрамонлар ташқи қиёфаси, уларнинг маънавий дунёсини тўла очиб беришда қўл келганини кўриш мумкин.

Шу йилнинг 15 октябр куни Ўзбекистон давлат санъат музейида очилган россиялик рассом Андрей Есионовнинг "Дарёга икки марта кириш" номли кўргазмаси кўпчиликда ката қизиқиш уйғотмоқда.

— Рассом асарларини шунчаки томоша қилиб бўлмайди, — дейди Ўзбекистон давлат санъат музейи бўлим мудири Шодия Содиқова. — Картиналарда ижодкорнинг дарди, кўнглидаги гапи ва ҳис-туйғулари бўй кўрсатиб туради. У инсонни ўйлашга, мавзу юзасидан мушоҳада қилишга чорлайди. Куз фасли инсоннинг ўз умр йўлини тафтиш қилиш, босиб ўтган йўлига хаёлий кўз ташлашга ундайди. Кўргазманинг айнан куз фаслида очилишида ҳам шундай маъно бордек гўё. Тақдимотда намойиш этилаётган асарлар ҳам инсоннинг ўз ҳаёт йўлига тийрак кўз билан назар солишига чорлаб турибди.

Андрей Есионовнинг ушбу шахсий кўргазмаси бошқа рангтасвир асарларидан иборат кўргазмалардан экспозициянинг асосини турли хил акварелли сериялар ташкил этиши билан фарқ қилади. Мусаввир асарларини кузатар экансиз, "совуқ" ранглар деб юритилувчи — тиниқ мовий, тўқ кўк, оч кулранг, жигарранг билан "иссиқ" ранглар — ёрқин сариқ, тўқ қизил, олов рангнинг аралаш, моҳирона қўлланилиши мукаммал асарлар дунёга келишини таъминлаганини кўрасиз. Рассом асарларининг энг муҳим жиҳати манзарага бойлиги, рангтасвир ечимининг ўзига хослигидир. Суратлардаги бўёқнинг оқиши ва унинг қоғозга нотекис шимилиши ранглар ўйинини ҳосил қилади. "Монголферлар", "Насияга алданиш", "Кузхоним" каби асарларда бу жиҳат яққол намоён бўлган.

Рангтасвирчи асарларида шакл ҳосил қилувчи унсурларга, маконни ифода этувчи чизиқлар ва ранглар ритмига жиддий эътибор қаратади ва бу орқали аниқ шакллар воситасида ўз ҳиссиётларини ифодалашга интилади. Борлиқдаги мавжуд нарсалар унда муайян ҳис-туйғулар уйғотади.

Рассом имконияти борича сувбўёқнинг нафис бадиий тасвирий имкониятларига таянади. Бунинг ёрдамида эҳтиросга тўла таъсирчан, бизнинг тасаввуримизга яқин қиёфаларни яратади. Унинг асарларида тасаввур, ҳис-туйғу, фикрнинг ўзаро боғланишларини ҳам кўриш мумкин.

А. Есионов, шунингдек, давримиз ҳодисалари ва замондошлар қиёфасини ҳам гавдалантиради. Бу ўз навбатида замонавий тасвирий санъатни янги ғоя, мавзу ва ечимлар билан бойитиб боради.

Кўргазмада тақдим этилаётган асарлар санъатсеварларда катта қизиқиш уйғотаётганини музейга ташриф буюраётганлар кўплигидан ҳам билиш мумкин.

Кўргазма 15 декабрга қадар давом этади.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
Сардор МУЛЛАЖОНОВ (сурат),
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Бизнинг шарх

ЮКСАК ТАФАККУР, БИЛИМ ВА ИЗЛАНИШ ҲОСИЛАСИ

2017 ЙИЛГИ НОБЕЛЬ МУКОФОТИ СОҲИБЛАРИ НОМИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

"Мен ҳаётни токи бизни ўз меҳнатимиз учун сийламагунча сайқал бериб ишланадиган, она табиат қўлидан қабул қилиб олинадиган туҳфа — қимматбаҳо тошга ўхшатаман", деган эди буюк швед олими Альфред Нобель. Ана шу ҳаётий мезонга ўзи ҳам қатъий амал қилган бу инсон башариятга ўзидан нодир жавоҳир — илмий мерос қолдира олди. Қолаверса, ҳар йили инсониятга энг кўп наф келтирган буюк ишлар, оламшумул кашфиётлар учун бериладиган Нобель мукофоти унинг номи билан аталади.

Альфред Нобель васиятига кўра, ундан кейин қолган маблағ асосида унинг номидаги жамғарма ташкил этилди. 1901 йилдан Нобель мукофотини қўлга киритганларга ҳар йили мазкур жамғармага келиб тушадиган даромад беш қисмга тенг тақсимланиб, ирқи, миллати, жинси ва динидан қатъи назар, физика, кимё, физиология ёки тиббиёт соҳасидаги кашфиётлар, бадиий асарлар, халқлар дўстлиги ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолият учун берила бошланди. 1968 йилда Швеция давлат банки ўзининг 300 йиллиги муносабати билан иқтисодиёт соҳасидаги ютуқлар учун бериладиган қўшимча Нобель мукофотини ҳам таъсис этди. Мазкур мукофот ҳам худди шу тартибда топширилади. Фақат харажатлар давлат банки ҳисобидан қопланади.

Ушбу мукофот Альфред Нобель тасвири туширилган олтин медаль, диплом ва миқдори Нобель жамғармасидаги даромадга боғлиқ бўлган маблағдан иборат. Альфред Нобелнинг васиятига кўра, мукофот совриндорларини аниқлаш ва эълон қилиш вазифаси Стокгольмдаги Қироллик фанлар академияси (физика, кимё, иқтисод бўйича), Қироллик тиббиёт-жарроҳлик институти (физиология ёки тиббиёт бўйича) ва Швеция академияси (бадиий асарлар бўйича) зиммасига юкланган. Тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолият учун Нобель мукофотини Норвегия парламентининг Нобель қўмитаси аъзолари топширади.

Нобель жамғармасининг низомига мувофиқ, ташкилотлар эмас, балки алоҳида шахслар мукофот билан тақдирланади. Тинчлик йўлидаги Нобель мукофоти бундан мустасно бўлиб, у алоҳида шахсларга ҳам, ташкилотларга ҳам топширилиши мумкин. Низомга мувофиқ, бир йўналиш бўйича бирданига уч киши мукофотланиши ҳам мумкин. Бир йўналишда уч киши мукофотга лойиқ деб топилса, унинг пули тенг тақсимланади. Вафот этган инсонларга Нобель мукофоти берилмайди. Номзодлар сентябрь ойидан бошлаб кейинги йилнинг 31 январига қадар тақдим қилиниши керак.

Ҳар йили октябрь ойида дунё жамоатчилигининг эътибори Стокгольм ҳамда Осло шаҳарларига қаратилади. Сабаби — мазкур шаҳарларда навбатдаги мукофот совриндорларининг номи эълон қилинади. Бу йил ҳам анъанага мувофиқ октябрь ойида Стокгольм ҳамда Осло шаҳарларида Нобель ҳафталиги бўлиб ўтди. Одатга кўра, ҳафталик давомида физика, кимё, тиббиёт, адабиёт, иқтисод ва тинчлик йўналишлари бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлганларнинг номлари эълон қилинди.

Швеция Қироллик фанлар академияси Нобель мукофотининг кимё йўналиши бўйича 2017 йилги совриндорлари номини эълон қилди. Унга швейцариялик Жак Дюбоше, америкалик Йоахим Франк ва британиялик Ричард Ҳендерсон суюқликдаги молекулалар тузилмасини юқори ўлчамда аниқлаш имконини берадиган криоэлектрон микроскопни ишлаб чиққани учун лойиқ кўрилди.

Криоэлектрон микроскопия усули биокимёда янги даврни бошлаб берди. Энди олимлар биомолекулаларни ҳаракатланиш чоғида музлатиб қўйишлари ва аввал кўриш имконсиз бўлган жараёнларни кузатиш имкониятига эга бўлади. Кашфиёт кимё ҳамда фармацевтика ривожида муҳим ўрин тутади.

Бу йил физика йўналишидаги Нобель мукофотига гравитацион тўлқинлар устида олиб борилган кузатувлар учун АҚШ олимлари — Кип Торн, Райнер Вайсс ва Барри Бэриш сазовор бўлди. Улар LIGO детекторлари ёрдамида гравитацион тўлқинларни аниқлаган.

LIGO (Laser Interferometer Gravitational-Wave Observatory) — лазер-интерферометрик гравитацион-тўлқинли расадхона АҚШда жойлашган. Барри Бэриш гравитацион тўлқинлар бўйича етакчи эксперт ва LIGO раҳбарларидан бири ҳисобланади. Гравитацион тўлқинлар — массив объектларнинг ҳаракати сабаб гравитацион майдонда содир бўладиган тебраниш. Гравитацион фазовий тўлқинларнинг мавжудлиги бундан юз йил аввал немис олими Альберт Эйнштейн томонидан тахмин қилинган. Эйнштейн назариясига кўра, ушбу тўлқинлар ёруғлик тезлигида тарқалади.

Физиология ва тиббиёт йўналишидаги Нобель мукофотига циркад ритмларга масъул молекуляр механизмлар борасидаги тадқиқотлари учун АҚШлик олимлар Жеффри Холл, Майкл Росбаш ва Майкл Янг сазовор бўлди.

Циркад ритмлар кун ва тун алмашинуви билан боғлиқ турли биологик жараёнлар мажмуидан иборат. Олимлар мева чивинлари устида иш олиб бориб, биологик соатларнинг йўналишини белгилаб берувчи period генини аниқлашга муваффақ бўлди. У организмда тун бўйи йиғилиб, кундузи парчаланадиган PER оқсилини кодлайди. Шу тарика, оқсил даражаси 24 соатлик муддат давомида янгиланиб туради.

Бу йил келиб чиқиши япониялик бўлган британиялик ёзувчи Кадзуо Исигуро адабиёт йўналиши бўйича Нобель мукофотига "ўз романларида борлиқ билан алоқалар ҳақидаги хомхаёл ҳиссиётлар ортида яширинган тубсизликни ғаройиб эмоционал куч билан очиб бергани учун" муносиб кўрилди.

Кадзуо Исигуро 1954 йили Японияннинг Нагасаки шаҳрида туғилган. 1960 йили оиласи Буюк Британияга кўчиб келган. Исигуро "Куннинг қолган қисми" (The Remains Of The Day), "Мени қўйиб юборма" (Never Let Me Go), "Дафн этилган баҳодир" (The Buried Giant) каби романлар муаллифи. Унинг "Куннинг қолган қисми" романи (1989 йил) Букер мукофотига сазовор бўлган ҳамда асар асосида фильм суратга олинган.

Иқтисод йўналишидаги Нобель мукофоти "хулқ-атвор иқтисодиёти"ни ўрганишга қўшган ҳиссаси учун" америкалик олим Ричард Талерга насиб этди.

Мумтоз иқтисодий назарияда инсон чексиз ҳисоблаш қобилиятига эга, бор ахборотни таҳлил қилувчи ва доим энг яхши қарор қабул қилиши мумкин бўлган мавжудот экани эътироф этилади. Ричард Талер одамлар аслида ҳисоблашни яхши билмаслиги, чекланган иродага эгалиги ва рационаллиги жуда чегаралланган эканини кўрсатди. Бунга қадар мазкур вазиятни тўғри моделлаштириш ҳали ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди. Чунки инсон хулқ-атворини қандай қилиб моделлаштириш мумкинлиги бироз тушунарсиз эди. Талер бунга изоҳ беришга муваффақ бўлди.

Тинчлик бўйича Нобель мукофотига Ядро қуролини тақиқлаш бўйича халқаро кампания (International Campaign to Abolish Nuclear Weapons, ICAN) сазовор бўлди. У бунга "ядровий қуролдан фойдаланишнинг ҳалокатли гуманитар оқибатларига эътибор қаратиш бўйича амалга оширган ишлари" учун муносиб кўрилди.

ICAN нисбатан янги ташкилот бўлиб, бундан ўн йил муқаддам Австралиянинг Мельбрун шаҳрида тузилган. Бу йил ушбу мукофотга 318 номзод даъвогарлик қилди. Уларнинг 103 таси жамоат ва халқаро ташкилотлардан иборат. Маълумки, ядровий қуролни тақиқлаш битими шу йилнинг 7 июлида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида қабул қилинган эди. Унинг иштирокчилари ҳеч қачон ва ҳар қандай шароитда ҳам ядро қуролини тайёрламаслик, синовдан ўтказмаслик, ишлаб чиқармаслик ва тўпламаслик, қўлламаслик ҳамда қўллаш билан таҳдид қилмаслик мажбуриятини олди. Ўшанда бери унга 53 давлат имзо чекди. Бироқ ядровий қуроли бор бирорта давлат ушбу битимни ишлаб чиқишда иштирок этмади. Бироқ АҚШ, Россия, Буюк Британия, Франция ҳамда Хитой ўзларининг ядровий қуроллари захирасини босқичма-босқич қисқартиришга розилик берди.

Мукофотланганларни тақдирлаш маросими шу йилнинг 10 декабрида — Альфред Нобель вафот этган санада Швециянинг Стокгольм ҳамда Норвегиянинг Осло шаҳарларида ўтказилади. Олти йўналишдаги мукофот ичидан фақат тинчликни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун бериладиган мукофот Стокгольмда эмас, Осло шаҳрида тақдим этилади. Ўша куни лауреатлар мукофот таъсисчиси — Нобелнинг тасвири туширилган олтин медаль, диплом ҳамда 9 миллион швед кронаси (1,12 миллион доллар)га тенг пул мукофоти билан тақдирланади.

Рангин дунё

ТОКИО "ЭЙФЕЛИ"

Япониянинг Токио шаҳрида жойлашган телеминора дунёдаги энг баланд иншоотлардан саналади. Шаҳар рамзига айланган ушбу иншоотни томоша қилиш учун бу ерга ҳар йили 2,5 миллион сайёҳ ташриф буюради. Телеминора баландлиги (антеннаси билан бирга ҳисоблаганда) — 332,6 метр.

Ушбу телеминорани қуришга 1953 йилдан мамлакатнинг Канто вилоятида NHK телевизион компанияси ўзининг илк кўрсатувларини амалга ошира бошлаганидан сўнг эҳтиёж туғилади. Шу боис бутун мамлакат бўйлаб телекўрсатувларни амалга ошириш имконини берадиган телеминора қуришга қарор қилинади. Қолаверса, буни Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мамлакат иқтисодиёти ривожлана бошлагани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Аввалига "Nippon Denpato" компанияси асосчиси ва президенти Хисакити Маэда Нью-Йорк шаҳридаги 381 метрли машҳур Эмпайр-стейт-билдинг биносидан ҳам баландроқ телеминорани қуриш таклифини илгари суради. Бироқ бундай йирик лойиҳани амалга ошириш учун молиявий имкониятларнинг етишмаслиги туфайли таклиф рад этилади.

Якунда Канто вилоятидаги барча телевизион станциялар эҳтиёжини таъминлай оладиган, 150 километр радиусдаги ҳудудларга тўлқин тарқата оладиган баландликдаги телеминорани қуришга қарор қилинади. Мамлакатда кўплаб осмонўпар иншоотлар қурилишига бош-қош бўлган Татю Найто лойиҳанинг бош меъмори этиб тайинланади. У мазкур лойиҳа учун 1889 йилда бунёд этилган Париждаги машҳур Эйфель минорасини асос қилиб олди. 1957 йилда телеминоранинг илк тамал тоши қўйилади. Қурилишга 400 га яқин қурувчи жалб қилинди. Мажмуа қурилишида пўлатдан асосий хомашё сифатида фойдаланилди. Қурилиш ишлари учун 2,8 миллиард иена (ўша вақтдаги курс бўйича 8,4 миллион доллар) сарфланди.

1958 йилнинг 23 декабрида телеминоранинг очилиш маросими ўтказилди. Аввал телеминорадан телекўрсатувларни таъминлашда фойдаланиш кўзда тутилган эди. Бироқ кейинчалик, у радиотўлқинларни ҳам тарқатиш имконига эга бўлди.

Гарчи у Эйфель телеминорасига қараганда баландроқ бўлса-да, бироқ унга нисбатан 3,3 минг тоннага енгил. Телеминора "Nikken Sekkei" муҳандислик компанияси кўмагида зилзила ва кучли тўфонларга бардош бера оладиган қилиб бунёд этилди. Мисол учун, соатига 220 километр тезликдаги кучли тўфон юз берганида телеминора 80 сантиметргача эгилиш хусусиятига эга. Шундай бўлса-да, 2011 йилнинг март ойида мамлакатда юз берган даҳшатли зилзиладан сўнг телеминоранинг юқори қисми зарар кўрди.

Телеминоранинг шундоқ бўсағасида "Футто таун" номли тўрт қаватли бино жойлашган. Сайёҳлар телеминорага чиқишдан олдин ана шу бинони томоша қиладилар. Бинонинг биринчи қаватида аквариум жойлашган бўлиб, унда 800 турдаги 50 мингдан зиёд балиқ боқилади. Қолаверса, ушбу қаватда 400 кишига мўлжалланган ресторан мижозларга хизмат кўрсатади. Бинода эсдалик буюмлари сотиладиган бир нечта кичик дўконлар ҳам фаолият кўрсатади. Бинонинг иккинчи қаватидан "McDonald's" ҳамда "Pizza-La" савдо белгисининг тамаддихоналари ўрин олган. Иншоотнинг учинчи қаватида жойлашган музейни "Гиннеснинг рекордлар китоби"га киритилган рекордларга оид турли расм ва буюмлар безаб турибди. Тўртинчи қаватдан эса ноодатий расмлардан иборат галерея ўрин олган.

Телеминорада бош ҳамда махсус расадхонага эга иккита томоша майдончаси мавжуд. Икки қаватли асосий расадхона 145 метр баландликда жойлашган. Томоша майдончасидан, ҳатто мамлакатдаги энг баланд чўққи — 3 минг 776 метрли Фудзияма тоғи ҳам кўринади. Унинг дастлабки қаватида мусиқачилар учун махсус саҳнага эга қаҳвахона жойлашган. Бу ерда иккита ойнаванд пол ўрнатилгани боис хўрандалар оёғи остидан ажойиб манзара — шаҳар бутун таровати билан намоён бўлади. Иккинчи қаватида эса эсдалик буюмлар сотиладиган дўкон ҳаридорлар хизматига шай. Шунингдек, мазкур қаватда сайёҳларни айлана шаклидаги махсус расадхонага олиб чиқувчи лифт ўрнатилган. Томоша майдончасига эга махсус расадхона 250 метр баландликда жойлашган. Телеминоранинг асосий асбоб-ускуналари мазкур расадхонада жойлаштирилган.

Телеминора олти қисмга бўлинган бўлиб, панжарасифат кўринишга эга. Мажмуа тўқ сариқ ҳамда оқ рангга бўялган. Ҳар беш йилда иншоотда таъмирлаш ишлари олиб борилиб, у қайта бўяб чиқилади. Иншоотни бир марта тўлиқ бўяб чиқиш учун 28 минг литр бўёқ сарфланади.

1987 йилга қадар телеминора унинг бурчаклари бўйлаб ўрнатиб чиқилган электр чироқлар воситасида ёритиб келинган. "Nihon Denpato" компанияси раҳбарияти ёритиш техникаси бўйича етук мутахассис Мотоко Исиини телеминорага ишга таклиф қилади. Сабаби ўтган ўттиз йил давомида телеминорага ташриф буюрувчиларнинг сони кескин камайиб кетади. Шу боис мутахассисга иншоотнинг ёритиш тизимини замонавийлаштириш вазифаси юкланади. Телеминоранинг янги ёритиш тизими оммага 1989 йилда намойиш қилинди. Иншоот қовурғаларига ўрнатилган чироқлар олиб ташланиб, ўрнига 176 замонавий прожекторлар ўрнатилади. Қош қорайиши билан телеминора асосидан тортиб то антеннасига қадар ёритилади. Фасллар ва об-ҳавога қараб унга турли чироқлар ўрнатилади. Масалан, 1 октябрдан то 6 июлга қадар тўқ сариқ рангли чироқлардан, 7 июлдан 2 октябрга қадар оқ рангли чироқлардан фойдаланилади. Турли байрам ва тадбирлар пайтида иншоот баъзан бошқа рангдаги чироқлар воситасида ҳам ёритилиши мумкин. Мисол учун, 2002 йилда Япония футбол бўйича жаҳон чемпионатига мезбонлик қилганида телеминора кўк рангда товланган эди.

2011 йилда Япония телевидениеси тўлиқ рақамли форматга ўтди. Бироқ мазкур телеминора юқори частотали тўлқинларни осмонўпар биноларга қадар етказа олиш имкониятига эга эмас эди. Мана шундай муаммони бартараф этиш мақсадида 2012 йилда Токио шаҳрида 634 метрли "Осмон дарахти" (Tokyo Skytree) деб номланган телеминора бунёд этилди. У нафақат Япония, балки дунёдаги энг баланд телеминорага айланди.

Гарчи 1958 йилда бунёд этилган Токио телеминораси мамлакатдаги энг баланд телеминора, деган мақомни бой берган бўлса-да, у диққатга сазовор иншоот сифатида ҳали-ҳамон сайёҳларнинг эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда.

АВИАРЕЙСЛАР ҚОЛДИРИЛДИ

Японияда "Саола" тўфони юзага келиши оқибатида 2 киши жабрланди, аэропортларда 50 дан зиёд ички авиарейс бекор қилинди, оммавий равишда электр энергияси узилишлари рўй бермоқда.

РАТА-ТАСС хабар қилишича, айни вақтда тўфон марказида шамол тезлиги сониясига 30 метрни, кучайганда 45 метрни ташкил қилмоқда. Мамлакат жанубида кузатилаётган кучли шамол туфайли 18 минг хонадон электр энергиясидан маҳрум бўлди.

Энг катта қўламли электр энергияси узилишлари Кюсю оролидаги Кагосима ва Миядзаки префектураларида кузатилмоқда. Табиий офат Кюсю ва Окинава оролларини мамлакатнинг қолган ҳудудлари билан боғловчи 53 ички авиарейснинг бекор қилинишига олиб келди.

ТРАМВАЙ ВОДОРОД ВОСИТАСИДА ҲАРАКАТЛАНАДИ

Хитойнинг Хэбэй вилоятидаги Таншань округида водород ёқилғисида ҳаракатланадиган дунёдаги илк трамвай фойдаланишга топширилди, деб ёзади "China Daily" нашри.

Хитойнинг CRRC корпорацияси ишлаб чиққан транспорт воситаси азот оксидидан ҳоли бўлиб, атмосферага ҳеч қандай зарарли моддалар чиқармайди. Трамвайнинг максимал тезлиги — соатига 70 километр. Ёқилғи билан бир марта тўлиқ таъминланган трамвай 40 километр йўл боса олади. Унга ёқилғи тўлдириш учун 15 дақиқа вақт сарфланади.

Трамвай мамлакатдаги энг қадимий темир йўл йўналишларидан бирида фойдаланишга топширилди. Энди у Таншань округидаги саноат ҳудудларини ўзаро боғлайди. Шу билан бирга, йўналишни ўзгартириш ва йўловчи платформаларини унга мослаштириш талаб этилмайди.

РОБОТ — ДЎКОН ХОДИМИ

Дунёнинг энг йирик "Wal-Mart" савдо тармоғи (АҚШ) дўконларда роботларни ишга ёллайди, дейилади "hightech.fm" сайтида.

Мустақил ҳаракатланадиган қурилмалар дўкон расталаридаги маҳсулотларни сканердан ўтказади, уларнинг бор-йўқлиги, ёрлиқларидаги хатоларни аниқлайди. Компания вакилларининг айтишича, роботлар одамларга нисбатан 50 фоиз самаралироқ ишлайди ва сканерлаш жараёнини уч карра тез амалга оширади.

Товарларни сканерловчи роботлар Арканзас, Пенсильвания ва Калифорния штатларидаги бир неча дўконларида синовдан ўтказилмоқда. Роботлаштирилган қурилмалар яқин келажакда мамлакатнинг 50 савдо марказида ишга туширилиши кутилмоқда.

"Wal-Mart" "Bossa Nova Robotics" роботларини ишга ёллашга қарор қилди. Баландлиги 61 сантирметрли роботлар штрих-кодларни сканерловчи ва расталардаги предметларни таний олувчи камералар билан жиҳозланган. Робот хато аниқласа ёки бирор-бир маҳсулотнинг тугаётганини кўрса, дўкон ходимларини бундан хабардор қилади.

Робот 3D-камера ёрдамида мўлжал олади. Унинг йўлида тўсиқ пайдо бўлса, қурилма техник ходимларга бу ҳақда маълум қилади.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ГАФФОРОВ тайёрлади.

MILLIY TIKLANISH
45 (477) 2017 йил 1 ноябрь, чоршанба

Музейда бир кун

МЕРОСИ ТАБАРРУК ШОИР

ЁХУД МАЪНАВИЯТИМИЗ РИВОЖИДА УЙ-МУЗЕЙЛАРНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?

...Бир томони Оқтоғ, бир томони Қоратоғ этакларига туташ Қўрғон қишлоғи адирларида майин шабада эсмоқда. Барглари билан хайрлашишга тайёрланаётган дарахтлар орасидан қуёш мўралайди. Олтин кузнинг қут-баракали кунларида табиат қўйнида бўлиш, адирларни кезишнинг гашти ўзгача. Бундай кезларда инсон дўмбиранинг шўх оҳанги, бахшининг жўшқин хонишини қўмсаб қолади. Унинг хумори шунчаки хумор эмас, балки қон-қонимизга сингиб кетган маънавий-руҳий эҳтиёждандир. Бу эҳтиёж ота-боболаримиз минглаб йиллар давомида шу санъатдан баҳраманд бўлиб келгани боисдир балки...

Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос тарихи, бетакрор табиати, у ердан етишиб чиққан таниқли шахслари бор. Бундан Қўрғон қишлоғи ҳам бенасиб қолмаган. Уч асрлик тарихга эга ушбу қишлоқ дастлаб Нурота туманига қарашли бўлган. Қўшработ тумани ташкил қилингач, у Самарқанд вилоятининг энг олис ҳудудига айланди. Қўрғон достончилик мактаби фольклоршунослик тарихидаги йирик маънавий марказ ҳисобланади. Ҳоди Зариф, Ғози Олим Юнусов, Муҳаммад Исо Эрназар, Тўра Мирзоев, Шомирза Турдимов, Муҳаммадали Қўшмоқов каби кўплаб олимлар бу мактаб вакиллари ижодини чуқур тадқиқ этган. Шоир ва олим Комил Синдоров айтганидек, "Қизғалдоқнинг бийрон гули бор, Қўрғоннинг бир эмас, кўп булбули бор!".

Дарҳақиқат, халқимиз яратган ўлан ва лапарлар, эртак ва достонлар, мақол ва маталларнинг тиллардан тилларга, диллардан дилларга кўчиб, бизгача етиб келишида бахши-шоирларнинг хизматлари беқиёс. Улар минг йиллар давомида халқ оғзаки ижоди намуналарини қалб ардоғида асрашни ва авлодларга бекаму кўст етказишни ўзларининг муқаддас бурчи, деб билган.

XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Қўрғон достончилик мактабидан йигирмага яқин бахши-шоир етишиб чиқди. Ёдгор бахши, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Тилло кампир, Султон момо, Жассоқ бахши, Муҳаммадқул Жомурод ўғли Пўлкан (Пўлкан шоир), Раҳматулло Юсуф ўғли, Ёрлақаб, Абдуқодир, Бўрон ва Қулсамад бахши...

Ушбу мактабнинг ёрқин вакили Эргаш Жуманбулбул ўғли машҳур бахши, ўзбек достончилик мактабининг асосчиларидан бири эди. Бахши кўплаб достонни ёд билган. Юртни куйлаб, инсонийлик, эзгулик ва меҳр-оқибатни тараннум этган шоир ўзидан бой маънавий мерос қолдирди.

Фидойи ўқитувчи, маънавият тарғиботчиси Ойдин Синдоров томонидан 1978 йилда Эргаш Жуманбулбул ўғли таваллудининг юз йиллиги муносабати билан Қўрғон қишлоғида уй-музей ташкил этилди. Ойдин бобо ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ материалларни тўплаб, дастлаб ўз уйида сақлайди, кейин уй-музейга топширади. У бу билан чекланиб қолмай Қўрғон, Қўштамғали, Қоракисса, Жўш, Тепалик, Оқмачит қишлоқлари, Хатирчи, Иштихон, Зарафшон кенгликларида бўлиб, Қўрғон достончилик мактаби вакилларидан бизгача етиб келган дўмбира ва қўлёзмалар, қадимий танга ва суратларни тўплайди. Хусусан, Эргаш Жуманбулбул ўғлининг қаламдони, Бухоро мадрасасида ўқиган пайтлари фойдаланган сандиқчаси, шахсий буюмлари, бахши-шоирнинг ўз қўли билан ясалган сандон, тегирмон каби кўплаб ашёларни йиғиб, музейга топширади.

Унинг саъй-ҳаракати билан ушбу масканга кираверишда — бахши-шоир ҳайкали қад ростлаган майдон атрофида ўтқазилган манзарали дарахт ва турфа гул кўчатлари бу ерга ўзгача файз бағишлаб турибди.

— Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳаёти ва фаолияти, улкан адабий, илмий ва маънавий меросини тадқиқ ва тарғиб этиш асосий фаолиятимиздир, — дейди уй-музей директори Аҳмаджон Синдоров. — Ўзбек достончилигида чуқур из қолдирган бахши-шоир таваллудига келгуси йил 140 йил тўлади. Уй-музей биноси анча таъмирталаб бўлиб қолгани боис баҳолиқудрат ушбу масканни таъмирлаш ва жиҳозлаш чоралари кўрилмоқда. Кўриб турганингиздек, ушбу маскан гарчи замонавий кўриниш ва ҳолатда бўлмаса-да, лекин ранг-баранг экспонатларга бой. Бу ерда сақланаётган нодир асарлар, қўлёзмалар, фотосурат ва шахсий буюмлар Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳақида ёрқин тасаввур беради. Уларни асл ҳолича сақлашимиз, келажак авлодга беталафот етказишимиз зарур...

Ранг-баранг экспонатлар билан таниша бошлаймиз. Уй-музейда Эргаш Жуманбулбул тилида янграган достонларнинг яралиш тарихи, бахши-шоир ҳаёти ва ижодининг турли даврларига оид фото ва ҳужжатлар, китоблар, кийим-кечаклар ва бошқа ноёб ашёлар сақланади. Шу билан бирга, у Қўрғон қишлоғининг ўтмиши ва бугунги куни — аҳолининг турмуш тарзи ва этнографияси, ҳудуднинг кўп асрлик маданияти, бу ерда шаклланган достончилик мактаби, музейда бўлган фан арболари, ўз даврининг улуғ устоз ва мураббийлари ҳақида кенг ва батафсил маълумот олиш имконини беради. Уй-музей экспонатлари қаторидан Муҳаммадқул Жомурод ўғли Пўлканнинг икки портрети, Раҳматулла Юсуф ўғли, Ислом шоир, Фозил Йўлдош ўғли ва яна бир қанча бахши-шоирларнинг суратлари ўрин олган. Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидовнинг уй-музей очилишидаги ташрифи муҳрланган фотосурати ҳам эътиборни тортади. Фольклоршунослар Зубайда Ҳусаинова ва Мансур Афзаловнинг Фозил Йўлдош ўғлидан достон ёзиб олаётгани акс этган сурат янада жозибадор. Яна бир суратда академик Иброҳим Мўминов маъруза ўқиётгани акс этган. Таниқли олимлар Виталий Жирмунский, Ҳоди Зариф, Музайяна Алавия, Ғани Жаҳонгиров, Шоназар Абдурахмонов, Зайтуна Каримова суратлари ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Орадан йиллар ўтса-да, улар гўё сиз билан ҳамсуҳбат бўлаётгандай.

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1984 йилда нашр қилган Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олинган "Қундуз билан Юлдуз", "Булбул таронаси", "Холдорхон", "Баҳром ва Гуландон" каби нодир достонлар нусхалари ҳам музейда сақланади. Умуман олганда, муассасада салкам ярим асрдан буён йиғиб келинаётган мингдан зиёд қимматли ашёлар мавжуд. Бироқ уй-музей жойлашган бинонинг бугунги ҳолатини кўриб, у ердаги нодир экспонатлар келажагидан хавотирга тушмай илож йўқ. Ҳар бир экспонатга алоҳида шароит ва эътибор зарур. Йўқса, у ўзининг сифати — кўринишини йўқотиб бораверади. Қолаверса, уй-музейни йўналишига мос янги экспонатлар билан бойитиш, уларни ўрганиш ва сақланишини таъминлаш, илмий-текшириш ишлари олиб бориш, экспозициялар тайёрлаш ва кўргазмалар ташкил этиш, ҳудуддаги барча таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланган. Ва, энг муҳими, мамлакатимизда музейлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг замон талаблари даражасида иш олиб боришини таъминлаш учун зарур шароит ва имкониятлар яратилаётган, маҳаллий ва хорижлик сайёҳларни жалб этадиган диққатга сазовор жойлар — зиёратгоҳ, тарихий қадамжо, улуғлар мангуга қўним топган масканлар обод қилинаётган, миллий маънавият ва маданиятимизни тарғиб қилиш янги босқичга кўтарилган бир пайтда вилоят ва туман ҳокимликлари ушбу уй-музейга ҳам алоҳида эътибор қаратса — муассаса учун янги бино ажратилса ёки замон талаблари даражасида реконструкция қилинса, нур устига нур бўлар эди.

Миллий адабиётимиз узоқ ва бой тарихга эга. Бинобарин, достончилик ва бахшичиликни миллий ўзлигимиз, маънавиятимизга оби ҳаёт бахш этадиган қайнарбулоққа менгзаш мумкин. Минг йиллар давомида бундай достонларни куйлаб, гавҳардек асраб-авайлаб, бойитиб келган бахши-шоирлар номи маънавиятимиз тарихига олтин ҳарфлар билан битилган. Фольклоршунос олим Шомирза Турдимов "Фольклор ҳар бир одамнинг қонида бор ва ҳар қандай тил ибтидосида улкан билимга даҳлдор тушунчалар мавжуд. Шундай экан, фольклор бизга ўзимизни, ўзлигимизни англашга ёрдам бериши билан қимматлидир, фольклор маънавий она сутидир", деб ёзади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бахшичилик халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Қадимий фольклор санъатимиз билан ўтмиш маданий эҳтиёжларимиз тарихининг ўзаро боғлиқлиги, узвийлиги ва улуғворлигини, улар буюк маънавиятимиз сарчашмалари эканини кенг тарғиб қилиш, ёшларни аждодларимизнинг маънавий меросидан баҳраманд этиш орқали уларда миллий ғурур туйғусини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Модомики шундай экан, ўзининг юксак салоҳияти асосида сара ижод маҳсулларини яратган Эргаш Жуманбулбул ўғлининг бугунги кунда хароб аҳволга келиб қолган уй-музейини сақлаб қолиш, ундаги ноёб экспонатларни келажак авлодларга етказишда партиянинг вилоят ва туман ташкилотлари, шу ҳудуддан сайланган депутатлар ҳам фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатишлари талаб этилади. Зеро, бу борадаги саъй-ҳаракатлар ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларга ҳар жиҳатдан мос ва уйғундир.

Ўлжабой ҚАРШИБОЙ,
журналист

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

КУЗНИНГ ШИФОБАХШ МЕВАСИ

Дўлана — айни кузда пишиб етиладиган, дармондориларга бой мева саналади. Мамлакатимизда дўлананинг бир нечта тури учрайди, айниқса, сариқ рангли дўлана кенг тарқалган бўлиб, меваси севиб истеъмол қилинади. Тиббиётда эса олти турдаги дўлананинг меваси ва гулларидан фойдаланилади. Халқ табобатида дўлана мевасидан ичбуруғ касаллигини даволашда фойдаланилса, баъзи турларидан оғриқ қолдирадиган, юрак иш фаолиятини яхшилайдиган дори-дармонлар тайёрланади.

Дўлана мевалар ичида нафақат хушхўрлиги, балки шифобахшлиги билан ҳам ажралиб туради. Буюк бобокалонимиз, табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино ўзининг "Тиб қонунлари" китобида дўланага "сафрони сўндиради ва ич кетишини тўхтатади" деб таъриф берган.

Мазкур меванинг шифобахш хусусиятларидан ҳозирги замонавий тиббиётда ҳам кенг фойдаланилади. Унинг спиртли ачитқиси ва мағзини шифокорлар ангионевроз (қон томирларининг неврози, қон томирларининг функционал касаллиги), юрак фаолиятининг бузилиши, қон босимининг ортиши, юқумли касалликларга чалинганлар юрагининг қувватсизланиши, танглай муртаклари яллиғланиши каби хасталиклар билан оғриган беморларга ичишни тавсия қилади.

Дўлана қон томирларини кенгайтириб, холестеринни камайтиради. Юракда қон айланишини тезлаштиради, бош оғриғини қолдирувчи, пешоб ҳайдовчи хусусиятга эга. Мевасининг таркибида 20 фоиз қанд, 8 фоиз ёғ, органик кислоталар, ошловчи моддалар бор. Айниқса, толиққанда, аҳлий ҳорғинликда, уйқусизликда, юрак атрофида оғриқ пайдо бўлганида дўлана дамламаси яхши самара беради. Моддалар алмашинуви бузилган ва қанд касаллигига чалинган, ошқозон ости бези шамоллаган беморларга қизил дўлана гули ва мевасидан тайёрланган дамламани ичиш тавсия этилади.

Дўлана дамламаси гипертония (қон босимининг ошиши) билан оғриган беморларга фойдали саналади. Бундай дамламани тайёрлаш учун бир ош қошиқ қуритилган дўлана бир стакан сувга солиб қайнатилади. Икки соат тиндирилгач, иссиқ жойга қўйилади ва сузгичдан сузиб олинади. Дамламани кун давомида 3-4 маҳал 1-2 ош қошиқдан овқатдан олдин ичиш яхши самара беради.

Дўлана меъёрдан кўп истеъмол қилинса, кўнгил айниши, бош айланиши, юрак қисқариш ритмининг ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин. Дўлана ейилгач, устидан совуқ сув ичмаган маъқул, акс ҳолда у ошқозонда санчиқ пайдо қилади. Ҳомиладор ва эмизикли аёллар дўланани эҳтиёткорлик билан тановул қилгани маъқул. Бу мева артериал босимни сезиларли даражада туширади. Шу боисдан дўлана гипотоник (қон босими паст) инсонларга тавсия қилинмайди.

БИЛАСИЗМИ?

- Фортепиано итальянча сўз бўлиб, "forte" — "баланд", "piano" — "секин", деган маънони англатади.
- Фортепиано мусиқий асбоби 1709 йилда италиялик кашфиётчи-уста Кристофори ди Франческо Бартоломео томонидан ихтиро қилинган.

ТУРФА ОЛАМ

ХАТ ТАШУВЧИ РОБОТ

Германиянинг "DHL" компанияси хат ташийдиган "PostBOT" деб номланган роботни ихтиро қилди.

Бад-Херсфельд шаҳри мэри мазкур лойиҳани амалга оширишга рухсат берди. Яқин олти ҳафта ичида роботлар почта ходимлари билан бирга иш бошлайди. Улар шаҳар бўйлаб мустақил ҳаракатланиб, хатларни эгаларига тарқатади.

"PostBOT" аравача кўринишида ишланган бўлиб, 150 килограмм оғирликдаги юкни кўтара олади. У йўналиш олиш тизими билан таъминланган. Роботнинг баландлиги 150 сантиметрни ташкил этади. У ҳаракатланиш чоғида тўсиқларга урилмаслик, пиёдаларга халақит бермаслик учун соатига 6 километр тезлик билан ҳаракатланади.

Лойиҳа муаллифлари мазкур ихтиронинг почта хизмати фаолиятини яхшилаш, почта ходимлари ва мижозларга қўшимча қулайлик яратишига умид билдирмоқда.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

Нашр

ЎТМИШ ВА БУГУН АКС ЭТГАН ЖУРНАЛ

"Водийнома" ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журналининг навбатдаги сони нашрдан чиқди.

Журнал иқтисодчи олим, профессор О.Олимжоновнинг "Буюк келажакни ҳаммамиз биргаликда барпо этамиз!" мақоласи билан бошланади. Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди Дастурида режалаштирилган иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган йирик лойиҳаларнинг амалиётга татбиқ этилиши — яъни, республикамизда кимё саноати, рангли ва нодир металлар, углеводород хомашёси, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик, чарм-пойабзал, фармацевтика, қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришга йўналтирилган амалий ишларга доир маълумотлар жамланган.

Р. Шамсутдиновнинг "Матбуот — муҳим тарихий манба" мақоласи "Бош муҳаррир минбари" рукни остида берилган бўлиб, Марказий Осиёдаги 1916 йилги миллий озодлик қўзғолонининг 100 йиллиги муносабати билан унинг келиб чиқиш сабаблари, моҳияти, қўзғолоннинг турли минтақалардаги хусусиятларига доир илмий қарашлар акс этган.

Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани Янги ҳаёт маҳалласи ҳудудида жойлашган Қўштепа ёдгорлиги ва Булоқбоши туманидаги Қўтирбулоқ манзилгоҳидан сўнгги палеолит даврига оид ноёб тарихий ашёлар, ибтидоий одамларнинг меҳнат қуроллари топилган бўлиб, бу юртимиз тарихига оид муҳим далиллар ҳисобланади. Бу ҳақдаги қизиқарли маълумотларни ЎзФА Археология институти катта илмий ходимлари Б. Сайфуллаев ва Б. Абдуллаевнинг "Андижонда ибтидоий одам излари" мақоласида ўқиш мумкин.

Шунингдек, қирғизистонлик тарихчи олим, профессор Т. Кененсариевнинг "Еще раз об Алымкуле лашкербаши..." мақоласида Қўқон хонлигининг амирлашкари, чор мустамлакачиларига қарши қаҳрамонона курашган Алимқул лашкарбошининг ҳаёти ва сиёсий фаолиятининг ёритилиши масаласи тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилган. Бу мавзуда эълон қилинган айрим ишларда йўл қўйилган хато ва камчиликлар кўрсатиб ўтилган.

Профессор Р. Шамсутдиновнинг "Ҳужжатлар ва материаллар" рукнида эълон қилинган "Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши тарихий ҳужжатларда" тадқиқотида Россия Федерацияси архивларида сақланаётган, Ўрта Осиёда 1924 йилда ўтказилган миллий чегаралаш жараёнларига алоқадор бир туркум ноёб ҳужжат ва материаллар биринчи бор эълон қилинаётгани кўпчилик муштарийларда катта қизиқиш уйғотади.

Журналнинг бундан олдинги, яъни 2016 йил июль-сентябрь ва октябрь-декабрь сонларида ҳам бир-биридан қизиқ ва тарихий фактларга асосланган мазмунли мақолалар ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилган эди.

Ўз мухбиримиз

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1116, Адади — 4850. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Эркин ДОРИПОВ
Навбатчи: Ойдин АЛИМАРДОНОВА
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 22.50. Топширилди — 00.15.
ISSN 2010-7714
123 56